Туркистон бир, ватан бир

ТУРКИСТОН

Ёшларнинг умумхалқ ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 7 январь • Пайшанба • № 3 (14031) تركستان TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Аслимизга тортмоқдамиз

Яқин-яқиндагина Ўрта Осиё ва Қозоғистон ибораси ўрнида Туркистон каломини қўлласак, невараларимиз бирлашган Туркистон давлатида яшашни орзу қилсак, бу фикрларимизни хом хаёл деювчилар кўп эди. Аллоҳ Таоллога минг қатла шукурким, ўша орзуларимиз бугун воқеликка айланиб бораётир. Вақт туркистонликлар учун хизмат қилаётир, жабр-ситам кўрганларнинг куни туғаётир. Хуллас, асли зотимизга тортмоқдамиз —ўзлигимизни — теран томиримизни англаб етмоқдамиз, бешта қўшни жумҳурият қўлни қўлга бериб, дилни дилга боғлаб яшашимиз зарурати тобора аён бўлаётир, ҳеч бир ташқи ёки ички тазйиқсиз яқинлашишга интилиш жараёни рўй бераётир. Бу табиий жараёндир, уни тўхтатиб қоладиган куч дунёда қолмади энди. Чунки барча халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб олдилар, бир халқнинг иккинчи бир халқдан ҳеч қанақа камчилик ёки ортиқ ери йўқ эканига тушуниб етилди ва бу ҳол жаҳон миқёсидан эътироф этилди.

Бироқ, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, текинига ўрганиб қолган, ўтмишни қўмсаётганлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тимсолида собиқ Совет Иттифоқини кўришни орзу қилаётганлар ҳам оз эмас.

Биринчидан, Совет Иттифоқи унитар давлат эди. МДҲ эса федерация ҳам эмас, конфедерация ҳам эмас, фақат ҲАМДЎСТЛИК, холос. Унинг тақдирини унга аъзо бўлган Мустақил Давлатлар эмин-эркин, мустақил равишда ҳал этадилар, улар Ҳамдўстлик бўлсин десалар яшайди, зарурати қолмади десалар, тарқаб кетаверади. Собиқ Совет империяси Мустақил Давлатларга ажралиб кетган айниқса, дастлабки ойларда. Бу давлатлар оёққа туриб олгунча шундай бир ҳамдўстлик зарур эди. Уни тузган раҳбарлар давлат тафаккурини намоён қила билдилар. Худо кўрсатмасин, мабодо бу ҳамдўстлик тузилмаганида, собиқ Совет Иттифоқи халқлари бошига Югославия халқлари бошига тушганидек биродаркушлик фожеаси тушиб қолиши эҳтимолдан унча узоқ эмасди. Чунки дастлабки қезларда ёш давлатлар ҳали халқаро ҳуқуқнинг "субъекти эмас эди, ҳеч ким уларни мустақил давлат сифатида тан олмаганди, халқаро ташкилотларга аъзо бўлмаганди, пойтахтларида ҳали бирорта ҳам чет эл элчихонаси ўз ҳимоя қўшинлари йўқ эди.

Энди эса шароит ўзгарди, оғизда эмас, амалда мустақил бўла бошладик.

МДҲ ибораси ва вазифасига изоҳ ва тушунтириш беришимга сабаб шуки, Москва матбуотида мустақил давлатларнинг истиқболига зид фикр билдириш йўли билан эрк истаган кўнгилларга ғулғула солувчилар тез-тез учрамоқда. Бироқ улар ҳомтама бўлмасинларки, тарих ғилдираги орқага айланмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, МДҲ ҳали умрини яшаб бўлгани йўқ, унинг қанча яшашини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Лекин МДҲ аъзолари ҳар борада теппатенг бўлишлари, бамаслаҳат иш тутишлари керак. Бироқ, ҳамма вақт ҳам шундай бўлаётгани йўқ. Масалан, МДҲ раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши ўтган йилнинг декабрида бўлиши керак эди. Бироқ, ўзбошимчалик билан, кўпчилик аъзоларининг вақти ва хоҳиши билан келишмасдан, ҳисоблашмасдан туриб, бу йилнинг январига дабдурустдан кўчирилди. Шу сабабли ҳам бешта қўшни ва қардош давлатнинг бошлиқлари Н. Назарбоев, А. Ақаев, И. Раҳмонов, С. Ниёзов ва И. Каримовнинг 4 январда Тошкентда учрашиб, МДҲдаги аҳволнинг кўриб чиқилиши, айниқса, шу минтақага таллуқли долзарб масалаларнинг муҳокама этилиши ўринли ва табиийдир.

«Қўшнинг тинч — сен тинч», дейди доно халқимиз. Яна қўшнининг қўшнига ҳаққи бор, узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, деган гаплар ҳам бор. Бизлар эса ҳам қўшнимиз, ҳам қардошлармиз. Буни қарангки, тарихнинг ҳукми билан жумҳуриятимиз худди инсон вужудидаги юрак каби марказдамиз — тўрттала қардошларимизга ҳам қўшнилармиз, ҳам чегарадошмиз. Зотан, бизнинг чегаралар рамзий маънода бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлса ажаб эмас. Биз марказда, минтақанинг марказида бўлганимиз учун ҳам Ўзбекистоннинг масъулияти алоҳидадир. Шуни қалбдан ҳис қилган юртбошимиз навбатдаги Тошкент учрашувини ўтказишда ташаббус кўрсатиб, ота-боболаримизнинг ибораси билан айтганда, савобли иш қилди. Мен Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бешта қардош давлат раҳбарларининг учрашувини кўрар эканман, гўё шу саройда буюк аждодларимиз — Туркистон фарзандлари —Имом Бухорий, Имом Термизий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор, Валий, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Маҳтумқули, Абай, Тўхтағул, Қодирий, Айний ва шу каби улуғ сиймоларнинг руҳлари шод бўлиб, муҳташам қасрни янада файзиёб ва чароғон қилиб юборгандек бўлиб туюлиб кетди, уларнинг муқаддас руҳлари мададкор бўлгани рост бўлсин!

Тошкент учрашувида юртимиз танидаги жароҳатлар бўлмиш Каспий ва Орол муаммоларига чора топиш, маҳҳам қўйишнинг тилга олингани Туркистонга яна ўз эгалари, ҳақиқий эгалари эгалик қила бошлаганидан далолатдир, деб тушундим.

Ушбу Тошкент учрашувида дунёдаги барча давлатлар билан тенглик асосида ҳамкорликни яхши йўлга қўйган ҳолда Ғарбу Шарқ, Жанубга дўстлик йўлларини солиш, Эрон орқали Баҳри Ҳинд — Ҳинд Океанита, Хитой орқали Баҳри Муҳит —Тинч Океанига чиқишни ўйлаб кўрилгани эзгу орзудандир. Бугунги орзу— эртага режа, келажакда эса воқеликдир.

Тошкент учрашувида тарихан Туркистон, деб атаб келинган юртимизга Марказий Осиё Давлатлари деган янги ном берилди ва жаҳон сиёсат оламида шундай тушунча пайдо бўлди. Энди жаҳон миқёсида бу билан ҳисоблашишлари, эътироф этишлари турган гап. Хуллас, Тошкент учрашуви холис ниятли қардошларнинг буюк ишлар олдидан бир маслаҳат кенгашлари бўлди.

Президент фармонлари қандай бажарилмоқда?

ҒАМХЎРЛИК АМАЛИЙ БЎЛСА...

Истиқлолимизнинг бир йиллиги арфасида, 1992 йил августининг йигирма саккизинчи куни республикамиз Президенти «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида» фармон чиқарди. Президентимизнинг ғамхўрлигидан, масъул идораларга, жамоат ташкилотларига берган кўрсатмаларидан кўпчиликнинг кўнгли кўтарилди. Бироқ... фармони олийда кўрсатма олган жамоат ташкилотларидан бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўшанда иккига бўлиниб, бири бошпана излашдан, иккинчиси кўчкўчдан бўшамаётган кезлар эди.

Фармоннинг самимийлигига шубҳа йўқ. Буни унда кўтарилган масалалар ёш ижодкорлар олдида турган асосий муаммолар эканлигидан ҳам билса бўлади. Фақат уни ижро этувчи идоралар бу ишга бироз совуққонлик билан қарамоқдалар.

Ёшларнинг бутун куч-қувватини сарфлаб ижод қилишларига тўғаноқ бўлаётган муаммолардан бири — уйсизлик. Пойтахтда яшаётган ёш ижодкорларнинг аксари ижарада туради. Шу сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари ва болалар кийим-кечакларининг турар жой бўйича, қатъий рўйхат асосида сотилиши муқим бошпанаси йўқ ёшларга енгиллик бермаяпти. Улар кўпчилик эга бўлган бу умумий имтиёздан ҳам маҳрумдирлар. Маҳсулотлар, кийим-кечак, умуман нарх-наво ҳийла ошгани ҳолда, ижодкорларга тўланаётган қалам ҳақлари деярли ўзгармасдан қолмоқда. Китоб ва матбуот соҳасида иқтисодий танглик оқибатида кечаётган иш ўринларини қисқартириш «чоҳи»га кўпгина ҳолларда ёшлар тушяпти.

Албатта, йигирма йиллик малакага эга мутахассиснинг ўра, эндигина иш ўрганаётган ёш ходимни «қисқартириш» осон. Бироқ иш ўрни қисқартирилаётган ходим оиласининг асосий ва ягона моддий таянчи эканлиги ҳамма вақт ҳам ҳисобга олинмаяпти.

Юнусободда, ёзувчилар учун қурилаётган уйдаги қурилиш ишларининг қайтадан бошлаб юборилгани яхши. Аммо шу биргина уйнинг битишига умид кўзларини тикиб ўтираверишнинг ҳам бўлмайди. Сабаби, бир уйнинг фойдаланишга топширилиши масалани ҳал қилолмайди.

Ўйсизлик адабиётнинг, умуман бадиий ва илмий ижоднинг ривожига жуда ёмон таъсир кўрсатяпти. Зах, ташландиқ ижара уйларда яшашга мажбур бўлаётган дўстларимиз айрим ҳолларда бедаво дардларга ҳам чалиниб қолмоқдалар. Шундай хасталикдан даволанаётган 35 ёшли шоир Чори Авазга Қарши шаҳар ҳокимияти уй ажратганда у умрининг сўнгги лаҳзаларини яшаётган эди. Ортидан йиғлаб қолган икки норасидаси бошпанали бўлганлигини билиб-билмасдан кетди, бечора.

Номи юқорида зикр этилган Президентимиз фармонида «Коммунал ва маиший хизмат ҳақини тўлашда, жамоат транспортидан фойдаланишда ижокор ёшлар учун имтиёзлар бериш ҳақида» ҳам гап бор. Афсуски, бу муаммолар ҳам ҳал этилгани йўқ. Бунинг биринчи сабаби уларнинг кўпчилиги уйсиз эканлиги бўлса, иккинчиси, мазкур кўрсатманинг барча қуйи идораларга ҳалигача «етиб келмагани».

«Жамоат транспортидан фойдаланишда ижодкор ёшлар учун имтиёзлар бериш» масаласи ҳам, фармонга биноан бир ой мобайнида ҳал этилиши керак эди. Аммо ҳали республикамиздаги бирон ёш ижодкор бундай ҳуқуқдан фойдаланаётгани йўқ.

Ўтиш даврида энг кўп қийналганлар орасида ёш ижодкорлар ҳам борлигини яхши билган республикамиз президенти уларни давлат йўли билан ҳимоялаш тўғрисида махсус фармон чиқарди. Афсуски, айрим идораларнинг, жамоат ташкилотларининг эътиборсизлиги туфайли ёшлар бу ғамхўрликдан тўла баҳраманд бўлолмаяптилар.

Р. ФАЙЗИЕВ
ЎзА мухбири.

ТЕМИРЧИЛИК ҲУНАРИ МУЗЕЙИ

Бухоро давлат меъморлик-бадиий музей-қўриқхонаси ходимлари бир вақтлар Бухорода яхши ривожланган темирчилик ҳақида ҳикоя қилишдан ташқари шу ҳунарни тиклашга аҳд қилдилар. Улар ўн олтинчи асрда қурилган Тоқи-телпакфурушон растасида темирчилик ҳунари музейини ташкил этдилар. Музей бир неча юз йил давомида машҳур бўлган Бухоро темирчилик устахонаси ўрнида барпо этилди. Музейда қадимий шаҳарда темирчилик қандай ривожланганги ҳақида кўп нарсани билиб олиш, турли даврларда маҳаллий усталар тайёрлаган буюмларнинг намуналарини — қуроллар, совут, турли рўзғор буюмларини кўриш мумкин.

Бу ерда ташкил этилган кўпгина музейлардан фарқли равишда темирчилик музейи «жонли» музейга айлантирилди. У темирчилик устахонаси билан ягона мажмуани ташкил этади. Устахонада эса темирчилик ота касби бўлган Шокир Камолов ака-укалари билан биргаликда ишлай бошлади.

Ҳозир Бухорода 10 га яқин музей ишлаб турибди, уларнинг орасида гиламдўзлик, тикувчилик музейлари ва бошқа музейлар бор. Уларнинг ҳаммаси меъморлик-бадиий музей — қўриқхона ходимлари кучи билан барпо этилган.

(ЎзА).

АЛИШЕР

...Дарёнинг у бетига — қўҳна Шоббоз — ҳозирги Беруний шаҳрига борсаг, албатта биринчи учрашган, ҳол-аҳвол сўрашган одамим Алишер бўлади. Бир гал шикоят юзасидан, яна бир сафар эса ёшлар ташкилоти ишларини ўрганиш, бирор тармоқни ёритиш учун у билан маслаҳатлашишга тўғри келади. Шу ерлик йигит, юртнинг паст-баландини биладди, одамларини танийди. Одамлар уни танийдилар.

Ёшлар етакчилари билан юз кўришганда айримлари берган саволингизга жавоб тополмай қийналади. Баъзилар олди-кочди, кундалик сиёсий воқеаларни дастурхон қилиб, қутилиш пайида бўлади. Айримлари билан эса (бу камдан-кам ҳол) БУЮҚ мавзуларда суҳбат қурамиз...

Ўзи ишлаётган юртдаги муаммолар, камчиликлар, асосийси танқидбоп мавзуларни ҳар ким — ҳар ким ҳам айтавермайди. Айниқса, муҳбир аҳлига, Алишер эса ҳар борганимда худди шундай бир-ярим «қовурилган» факт, воқеа топиб қўяди. Ана шу мардлиги, тўғрисўзлиги, ҳалоллиги, кўнгли очиқлиги учун ҳурмат қилишга арзийди у.

Ноҳияда биринчи ёшлар маркази «Қиёт» номи билан бундан беш йил илгари иш бошлаганди. Ўша пайтлари русм бўлган бу марказларнинг кўпчилиги ўзининг «туғилиш сана»сини ҳам нишонлай олмай, тугаб кетди ё синишди. «Қиёт» эса ишлаб турибди. Ишлаб турибдигина эмас, йилдан-йилга фаолиятини кенгайтирмоқда, даромадини оширмоқда. Етарлича техникаси бор. Энди эса ўн беш-йигирма гектарча ер олиб, деҳқончилик қилишни режалаштирганлар. Амударё бўйидаги бу қўриқ ноҳияда ер масаласи муаммо эмас...

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси VI пленумининг қарори

«МАРКАЗИЙ ҚУМИТА БЮРО СИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ НАВБАТДАН ТАШ ҚАРИ XXV ҚУРУЛТОЙИ ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЎТИШ ДАВРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ ҲАҚИДА»

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби ўртоқ А. С. Орзиматовнинг мазкур масала юзасидан маърузасини атрофлича муҳокама этиб, пленум қатнашчилари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Марказқўм Бюроси Иттифоқ аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, ташкилотнинг мавқеини мустаҳкамлаш ва обрўсини оширишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни амалга ошираётганлигини қайд этади.

Марказқўм ташаббуси ва бевосита ташкилотчилиги остида ўтказилган республика ёш ижарачилар ва тадбиркорларнинг қурултойи, талабалар жамғармасининг таъсис этилиши ва юқори синф ўқувчилари Кенгашларининг шакланиши, республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган методик қўлланмаларнинг ишлаб чиқилиши ва уни бажариш мақсадида, имконият доирасида маблағлар ажратилиши, ижодкор ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган серқиррали тадбирлар, мустақиллигимизнинг бир йиллигига бағишлаб ўтказилган ёш ватандошларнинг биринчи халқаро анжумани республикада Ёшлар Иттифоқига бўлган муносабатнинг ижобий томонга бурилишига ёрдам берди. Ўзбекистонда ёшлар ишлари бўйича республика кенгаши тузилиши ҳамда унинг олдида турган вазифаларни бажаришда ташкилотимизга билдирилган ишонч ва умидлар бунинг ёркин исботидир.

Ташкилотимиз ички иттифоқ турмушини такомиллаштириш борасида ҳам бирмунча амалий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Иттифоқ аъзолари ва бошланғич ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш, янги аъзолик билетларини топшириш, ички иттифоқ ишлари қоидаларини ҳамда ташкилотлар ва сайлов органларини шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш, уларнинг ваколат доираларини кенгайтириш каби тадбирлар ҳозирги кунда тацкилот ҳаётида ўз синовларини ўтамоқдалар.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ўтиш даврининг моҳияти ва мақсадларини ташкилотимизнинг ҳамма бўғинларида ҳам англаб етилмаганлиги натижасида айрим вазифаларнинг бажарилиши пайсалга солинди. Ҳали кўп ташкилотларимиз ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда энг ишончли посбон бўлишига амалий ишлар орқали эриша олганлари йўқ. Вуждга келган бундай ҳолатни бартараф этишда район, шаҳар, вилоят қўмиталари, Марказий Қўмита Бюроси ва ашаратининг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ва таъсири етарли бўлмаяпти.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг VI пленуми қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Бюросининг навбатдан ташқари XXV қурултой эълон қилган ўтиш даврининг дастлабки якунлари — юзасидан ҳисоботи» маълумот учун қабул қилинсин ва шу даврдаги фаолияти асосан маъқуллансин.

2. Пленум ўтиш даврида амалга оширилган ишлар натижаларидан келиб чиқиб ва уларни муваффақиятли якунлаш борасида:

— бозор иқтисодиёти шароитида ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда ги, Иттифоқимизнинг вилоят, шаҳар, район қўмиталарининг давлат органлари билан ҳамкорликда 1992-94 йиллар мобайнида ёшлар ижтимоий хизмати ва жамғармаларни ташкил этиш ва уларни ишини такомиллаштиришни;

— жойлардаги қўмиталарга ўз ҳудудларидаги талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш уларнинг яшаш, ўқиш ва дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилашни;

— Ёшлар Иттифоқининг мактаблардаги ташкилотлари аҳволини яхшилаш ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқарувига шароит яратиб беришни;

— Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг халқаро фаолиятини кенгайтиришни, хориждаги ватандошлар, ёшлар ташкилотлари билан серқиррали алоқаларни ривожлантира бориб, ўз олдида турган мақсад ва вазифаларнинг маълум қисмини халқаро муносабатларни ўрнатиш орқали амалга ошириш зарур эканлигини алоҳида таъкидлайди.

3. Вилоят, район ва шаҳар ташкилотлари, бошланғич ташкилотлар ўтиш даврининг дастлабки якунларини ҳисобот-сайлов конференциялари ва йиғилишларида атрофлича таҳлил қилиб, ташкилотнинг келгуси фаолият режаларини ҳамда ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида маҳаллий ҳокимиятлар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни белгиласинлар.

Пленум қатнашчилари республика Президенти муҳтарам И. А. Каримов ва ҳукумат томонидан Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликка эришиш борасида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар ва уларни ташкилотимизнинг мавжуд барча имкониятлари даражасида ҳаётга изчил тадбиқ қилишга Иттифоқ аъзоларини даъват этадилар.

Мустақил Ватанимизнинг Конституциясида зикр этилган ҳуқуқ ва манфаатларни рўёбга чиқаришда республикамиз аҳли ва ёшларини, барча соғлом кучларни жипслашишга ва юртимизнинг равнақи йўлидаги сайъи-ҳаракатларга ўз ҳиссаларини қўшишга чақирамиз.

ДЕНОВДА КОНФЕТ ЧИҚАРИЛАДИ

— Энди сурхондарёликлар конфет излаб узоқ шаҳарларга сарсон бўлмайдилар, — дейди биз билан суҳбатда Денов ёғ-мой заводи директори Раим Норқобилов. — Корхонамиз қошида қандолатчилик фабрикаси қуриб битказилди. Унда ҳозиргача 160 тонна шарқ ширинликлари тайёрланди. Шу яқин кунлар ичида турли конфетлар ҳам ишлаб чиқара бошлаймиз.

Эндиликда вилоятда конфет олиб келиш учун сарфланадиган миллион-миллион сўм йўл ҳаражатлари ҳам аҳолининг бошқа заруратлари учун ишлатиладиган бўлди. Қолаверса, ташвиш камайди. Йилига 3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу фабрика вилоят аҳолисининг ширинликка бўлган эҳтиёжини қондиради.

Бундан ташқари завод қошида яна бир завод бунёд этилди. Унда йилига 25 минг дона кирсовун ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Зомин тумани марказидаги шифохона хорижий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Ҳокимлик ажратган валютага Японияндан ташхис қўйиш ва лазер нурлари билан даволаш воситалари, рентген аппарати харид қилинди. Эндиликда шифохонада диагностика маркази, турли гиёҳлардан тайёрланган ичимликлар сотиладиган китоблар ишлай бошлади.

Туман, қишлоқларида тиббиёт-доялик шохобчаларини зарур ҳоналар ва телефон билан таъминлаш чоралари қўриляпти.

КИМГА БАЙРАМ, КИМГА «ТИЖОРАТ»

Сир эмаски, янги йил арафасида ҳамма байрам қилиб бир йўла уч кун дам олди. Айни шу кунлар Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари эса халқ ризқига кўз олайтирган кимсаларни фош этдилар.

Тўйтепа шаҳрилик З. Когай Тошкент — Семипалатинск шаҳарлараро қатнайдиган поездга чиқиш олдидан 70 минг сўм сарфлаб, 7 дона эркаклар курткасидан харид қилиб у томондагиларни «кийинтирмоқчи» бўлибди. Андижонлик Н. Болтабоев эса 128 минг сўмлик эркагуаёллар этиридан 35 жуфтини олиб, узоқ манзилларда пуллашни ният қилганди. Лекин «тижоратчилар»нинг умидлари пучга чиқди. Улар «Шимолий» темир йўл шохбекатида тўхтатилиб, жами мол-мулклари давлат фойдасига топширилди.

М. ҲАКИМОВ.

БИРИНЧИ ҚОР

Осмон, унинг элагин-ей, элагин,
Сиёҳ дилни ёғдуларга белагин,

Келинчакка эгизак ул тилагин,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Хуш пайғомлар дилни дилга улайди,
Ёв ҳам номанг ила «битим» сўрайди,

Ҳар маконда бугун меҳр гуллайди,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Истиқлолнинг эпкинида эврилгин,
Ризқ-рўз бўлиб заминимда сўрилгин,

Деҳқон бобом ҳосилига йўғрилгин,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Осмон, унинг элагин-ей, элагин.
Юртга тангрим иноятин йўллагин...

Санобар ФАХРИДДИНОВА

АЛИШЕР

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

(Боши 1-бетда).

Ўтган йили марказ шимолий мамлакатдан икки вагон шиша идиш келтириб, уларни хонадонларга тарқатишди. Шартнома асосида ўз ҳоморқасида етиштирган сабзавотидан қиём, мураббо, тузланган мевалар топширган хўжаликларга устамаси билан ҳақ тўлашди. Бу тайёр маҳсулотларни эса Оролбўйига, республиканинг шимолий ноҳияларига олиб бориб сотишган. Ҳам марказ манфаатдор, ҳам аҳоли мамнун. Бу йил эса марказ жамоа хўжаликларнинг ички йўлларини асфальт қилиб берди. Вақтинча ёлланма ишчилар ҳисобига. Аслида марказда атиги уч одам ишлайди, холос. Лекин, бир ташкилотнинг даромади олинади, ёшлар ташкилотига катта маблағ ажратади...

1990 йилда ноҳияда Афғонда ҳалок бўлган шу ерлик саккиз нафар йигит хотираси учун ёдгорлик ўрнатишга киришилди. Ёдгорлик ўрни учун ер олиш анча қийин кечди. Уч ой идорама-идора юрилди. Натижа йўқ. Ўтган йил 9 майда ёшлар етакчиси бошлиқ бир гуруҳ афғончилар шаҳардаги энг кўркам ва бўш жойга «Бу ерда Афғонистонда ҳалок бўлган юртдошларимизга ёдгорлик ўрнатилади» деган лавҳа илиб қўйдилар. Маҳаллий ҳокимиятнинг шу ерни беришдан бошқа иложи қолмади. Ўша пайтдаги пул ҳисобида — ўттиз бир ярим минг сўмга тушган ёдгорлик уч ярим ойда қурилди. У Қорақалпоғистонда илк бора қурилган афғон жабрдийдалари ёдгорлигидир.

«Бизда экология чатоқ. Шаҳар катта. Унинг ободончилиги айтарли мақтагудек эмас. Кўчалар ҳам. Шу йил ўз ташаббусимиз билан шаҳар ободончилигини таъминлаш мақсадида аҳоли уйларида тўпланиб қолган турли аҳлатларни ташиб кетиш учун махсус трактор ва ишчи гуруҳи ташкил этдик. Улар арзимас ҳақ ҳисобига доимий тарзда маҳалла ва кўчаларни айланиб, ҳамма ёқни озода тутишлари керак эди... Лекин, биласизми шу эзгу ишга одамларни ўргата олмадик. Иш чала қолди», деб куйинади Алишер бир сафар ишларнинг боришини суриштирганимда.

Ўтган йилдан бошлаб ноҳия ёшлар ташкилоти ўз рўзномасига эга бўлди. У «Мулоқот» деб аталиб, ойда бир марта чоп қилинмоқда. Қоғоз ва нашр хизматлари нархи кўтарилиб кетган пайтда келиб-келиб ўзи ёвўрга тирикчилик қилаётган ёшлар ташкилотининг рўзнома чиқазишга журъат қилганига қойилсиз. Минг нусхада чоп қилинаётган рўзномада ноҳия ёшлар ташкилотининг фаолияти кенг ёритилмоқда. Рўзнома тарбиявий аҳамиятга кўпроқ эътибор қаратиб, диний, тарбиявий руҳдаги асарлар, ҳикматлар, халқ урф-одатларига кўпроқ жой ажратмоқда.

«Маънавиятни пул билан ўлчаб бўлмайди. Олиб-сотишнинг ҳам ўз чегараси бор. Пул топиш илмини сув қилиб ичганимиз учун маош олмаймиз-ку! Бизнинг энг ёмон фожиамиз — ҳамма вақт бир томонлама кетиб қоламиз...» Алишер ажабланишимизга шундай жавоб беради.

Бир сафар борганимда эса ўзига тамомила алоқаси бўлмаган мавзуни қўзғади. Шаҳарда яшаётган, бахтсиз ҳодиса туфайли ҳар иккала оёғидан жудо бўлиб, ҳозирги кунда уйсиз қийналиб, идораларга тиз чўкиб юрган йигирма иккиёшар Тамара исмли қиз ҳақида куйиб гапириб берди. Кунлардан бир кун Тамара ёшлар ташкилоти идорасига тасодифан бориб қолади. Бунгача у кўп жойда бўлган, қуруқ ваъдалар билан қайтараверишган. Кўнгли ярим қиз, бу қандай идора экан, кириб дардимни айтай, деб ўзича умид қилади... ва энг катта ёрдам асосийси руҳий мададни шу ердан топади. Тамарани пойтахтдаги шифохонага бориб, даволаниб, ясама оёқлар буюртириб келиши учун кетган харажатларни ёшлар ташкилоти кўтаради... Уни қўмита ходимлари Урганч станциясида қўлларига кўтариб вагонга чиқариб қўядилар.

Алишер ушбу воқеани ўзини кўрсатиш учунгина сўзлаб бермади. Тамара яшаётган ҳароба кулбага бошлаб борди. Шаҳар ҳокимиятидагиларнинг унга турар жой бериш ҳақидаги ваъдаларини бажармаётганликларини айтди.

«Майли, бу ҳақда танқидий чиқиш қиламиз, лекин кейин сизга таъсири... бўлмасмикан?», дедим ундан.

«Ҳар ким ўз ўрнида, ўзига топширилган ишни бажариши шарт! Шундай нотавон, майиб, ғариб қизга қайишмаган ҳокимият нимага керак!» деди у.

Алишер ташкилотда янги ходим эмас. Тажрибаси бор, пастки поғоналарни босиб ўтган. Нукус Давлат Дорилфунунини тарих факультетини тугатгач, анча муддат ўз ихтисоси бўйича ишлайди. Қизиғи, уни дастлаб қўриқ ноҳияга — Элликқалъага ишга юборадилар. Шу ерда ўрта мактабда ўқитувчи, кейин илмий бўлим мудири бўлган. 1984 йилда эса янги ташкил қилинган хўжаликлардан бирига комсомол қўмитаси котиби қилиб сайлашган. Хўжалик ўз номи билан қўрқ — ноҳия марказидан йироқ — Оқчакўл бўйида эди. Лекин, янги хўжаликнинг пойдеворини қўйганлар ёшлар. Ташкилотда 280 нафар аъзо бўлган.

1986 йилда эса уни Беруний ноҳия Ёшлар Иттифоқи қўмитаси иккинчи котиби қилиб сайлайдилар. 1989 йилнинг охирида биринчи котиблик лавозимига лойиқ кўришади...

Ҳозир ташкилотда ўн етти ярим минг нафар аъзо бор. Қўмитада эса бор-йўғи беш нафар ходим. 182 бошланғич ташкилотнинг иши, ҳисоб-китоби, борди-келдиси шу бешовининг елкасида. Ресқўмдан мадад кутиш беҳуда. У ерда ҳам ходимлар саноқли. Бунинг устига пойтахтдан йироқлар. Олдинлар ҳар ноҳияга бир масъул ходим биркитилиб қўйиларди. Энди эса ақалли учтўрт ноҳияга биттаси ҳам йўқ. Ойда бир мартами, икки мартами бориб, ҳисоб бериб келишади. Ресқўм билан ноҳияқўмнинг муносабати шундай. Ёки аниғи, ўзинг учун ўл етим, деган замон. Қўлингдан келса — ишла, ташкилотни торт. Уддалай олмадингми, бошқа иш қидир! Бундай муҳит ва даврда ёшлар ташкилотида фақат фидойилар ишлашади, холос.

Ресқўм ташкилот съездини чақириш масаласини ўртага қўйганида унга қарши чиққанлардан бири ҳам Алишер бўлди.

У хўжаликлардаги ёшлар етакчиларининг раис ёки директор муовини мақомида ишлашига қарши. Негаки, худди шундай бўлган тақдирда ташкилотнинг ишлари ўлади. Иш ҳақини берадиган хўжалик ўзининг ишини қилдиради. Етакчининг асосий иши иккинчи—учинчи ўринларга тушиб қолади. ХДП котиблари шундай лавозимларга тайинланганч, худди шундай бўлди-ку. Унинг фикрича, шартнома асосида ишлаш.

Ноҳияқўмнинг ресқўм билан муносабати — асосан телефон орқали дедик. Ноҳияқўмнинг бошланғичлар билан алоқаси эса анча эркин. Уларни ҳадеб чақиравериш йўқ, тергайвериш йўқ. Ҳафтада бир марта — ҳар шанба куни йиғилишиб, ўтган ҳафтанинг ишларини ва кейинги режани маслаҳатлашиб олишади. Тамом! Ҳар сешанба куни эса аппарат ходимлари бирор бошланғичга чиқиб, унинг ишига ёрдам берадилар.

«Шаҳар марказида Ленининнинг савлатли ҳайкали бор эди. Бир куни ояиб ташлашди. Одам қизиқ табиатли бўларкан. Ҳайкалга ўрганиб қолган эканмиз. Икки-уч кунгача шу ерда ўтганда ажиб бир ҳис пайдо бўлаверди...»

Бу Алишернинг сиёсий қараши эмас. У тоталитар тузумнинг онгимизни заҳарлашга улгурган таълимотининг яшовчанлиги ҳақдаги ҳақиқатни жуда оддий бир мисолда айтмоқда, холос...

«Муаллим оиласидан чиққанимгами, асосий касбим шулигигами, ҳамма вақт таълим-тарбияни биринчи ўринга қўяман. Иқтисодиётни эмас, маънавиятни кўпроқ қадрлайман!»

Бозор сиёсатига мос келмайдиган гап. Бу сўзлар ортида эса, кечаги муаллим, бугунги ёшлар етакчиси турибди. Ҳар иккисининг бош мақсади муштарак — ёшлар тарбияси.

Отаси раҳматлик муаллим эди, озроқ муддат фирқада ишлаган. Узоғи йили автоулов ҳалокатида шаҳид кетди. Онаси ҳам муаллима. Бутун умри ёшлар тарбияси билан ўтмоқда. Ҳозир уйида болалар боғчасининг филиалини очган. Фарзандларнинг кўпчилиги ота-онаси касбини танлашган. Алишернинг турмуш ўртоғи ҳам бўлғуси педагог. Ҳозир дорилфунунда сиртдан таҳсил олади, айни пайтда боғчада тарбиячилик қилади.

«Уч қизим, битта ўғлим бор. Катталари мактабга боришади. Буни қарангки, ҳаммалари мусиқага қизиқадилар. Бир куни Тўрткўл шаҳрига борганимда, баҳоси арзонлаштирилган моллар дўконига кирдим. Яп-янги пианино турибди. Баҳоси — 250 сўм. Харид қилдим. Ҳозир қизчалар чалишади...»

Бу йил бошланғичлардаги деярли барча котиблар ўзгарди. Ўрнига тажрибасиз ёшлар келишди. Энди кунаро қўнғироқ қилиб, маслаҳат сўрашади, иш ўрганишади. Етакчига қийин. Кўп қийин. Асли ташкилотнинг ўзи шундай. Энди ҳаммасини ўрганиб, ишларни йўлга қўйган пайти тепадагиларнинг назарига тушади-ю, бошқа вазифа таклиф қилишади. Янги келганига янгитдан ўргата бошлайсан...

Алишер уч йилки етакчилик қилаётган ташкилот ресқўм ташкилотлари орасида энг донгдори. Бу ерга тажриба ўрганиш учун келадилар.

Бунга бир кунда эришилмаган. Бу бир йиллик меҳнатнинг ҳосиласи ҳам эмас. Аста-аста, кўп қийинлик билан таркиб топган, жамғарилган тажриба, намуна бу. Ана шу ишларнинг бошида турганлар, унинг учун умрининг энг қайноқ йилларини, куч-қувватини берганлар бор.

Алишер ана шундайлардан бири.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Туркистон» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу мақола босишга ҳозирланаётган пайти мухбиримиз қўшимча тарзда билдирди: Алишер Худойберганов ишчанлиги, ташкилотчилиги сабабли... бизларни тарк этди, ноҳия ҳокимиятига ишга олишди. Узоқ йиллар Ёшлар Иттифоқига меҳнати сингган Алишернинг эндиликда ҳам ёшларни қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

● **КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҳукумати БМТ Сомалида ўз операцияларини ўтказишга 2 миллион доллар ёрдам беришга қарор қилди. Бу Сеул маъмуриятининг БМТ кучларини хориждаги сайй-ҳаракатларига кўмаклашиш юзасидан тутган йўлининг дастлабки қадамидир.**

● **ҚАРАҒАНДА АВИАТОРЛАРИ ўзларининг дастлабки хорижий маршрутларини Берлинга парвоз этиш билан бошладилар. Бу рейс Олмониянинг «Эрат Райзен» фирмаси билан келишиш бўйича амалга оширилди. Эндиликда Олмониядаги Қозоғистонга бориш истагида бўлган йўловчилар ана шу маршрут бўйича учишлари мумкин.**

Ҳозир Олма-Отадан Ганновер, Урумчи, Истамбул рейслари бўйича шаҳар авиаагентлик кассаларидан чипталарни сотиб олиш мумкин.

● **ТИШ ДУХТИРЛАРИ** кўпдан буён тиш чиришининг олдини оладиган вакцинани орзу қилишарди. Дастлабки ана шундай вакцина Лондондаги «Гайдгоспитал» лабораториясида профессор-стомотолог Тон Леннар томонидан яратилди. У профессорнинг ўзида ва 60 кўнгилликда синаб кўрилди. Натижаси кутилгандан аъло бўлди. Уч ҳафта мобайнида кучсизлантирилган тиш эликсири орқали оғиз кунига беш маротаба чайқалганда тиш еликишининг олди олинди. Бунинг самараси қарийб икки йилга етади.

● **КУНИ КЕЧА** Норвегия бош вазири Гру Харлем Брундтландни ўғрилар шилиб кетди. Бош вазир матбуот конференциясида сўзга чиқаётганлигидан фойдаланган ўғрилар ҳеч қандай тўсиқсиз меҳмонхонадаги у турган хонага ойнадан киришган ва унинг қимматбаҳо заргарлик буюмларини ва стерофоник аудиоаппаратини олиб кетишган. Бу меҳмонхона Норвегия пойтахтининг энг нуфузли мавзеларидан бирида жойлашган эди.

Жумҳурият нафаси

● **Шўрчидаги асфальт-бетон заводи қошида аккумулятор цехи ишга туширилди. Қозоғистоннинг Толдиқўрғон вилояти мутахассислари ёрдамида қурилган бу корхонада дастлабки бешта дастгоҳ ўрнатилди. Уларда «6-СТ-50», «6-СТ-55», «6-СТ-60» маркали аккумулятор тайёрланмоқда.**

Дастлабки аккумляторлар ҳозирдаёқ савдога чиқарилди. Улар келишилган нархда — Сурхондарё вилоятидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ва тижорат дўконларидагидан анча арзон сотилмоқда.

● **Самарқандда Японияниг машҳур «Панасоник» фирмаси дўкони очилди. Афғонистоннинг «Айэк групи» фирмаси билан Самарқанддаги «Шарқ» акционерлик-савдо бирлашмаси унинг муассислари бўлишди. Дўкон пештахталарига электр дазмолдан тортиб, энг сўнгги нусхадаги телевизор ва видеомагнитафонларгача хилма-хил буюмлар қўйилган. Улар унчалик қиммат эмас, лекин ҳозирча хорижий ақчага сотилмоқда.**

● **Наманганда «Ремдеталь» заводи янги йилда ишлаб чиқарайётган маҳсулот турларини бутунлай янгилади. Корхона кранлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Энди эса турли диаметрдаги қувурларга, сув иситадиган қозонларга, автомат газ горелкаларига, электр сув иситгичларга деталлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундай маҳсулотлар ҳозир жуда тақчил бўлиб турибди.**

● **Хоразм пахта заводларига топширилган ҳосилнинг учдан бир қисми жадвалда белгиланганидан олдин қайта ишлаб бўлинди. Корхона ходимлари олинадиган фойда, иш ҳақи маҳсулот сифатига боғлиқлигини яхши биладилар. Шу сабабли мураккаб машина-ускуналарни хомашёнинг навига қараб тез-тез қайта созлашга тўғри келмоқда. Бу ишда созловчилардан ташқари технология жараёнини таъминлайдиган ҳамма ходимлар қатнашмоқдалар. Аввало узоқ сақлаб бўлмайдиган хом ашё қайта ишланмоқда.**

● **Қорақалпоғистондаги Кегайли туманига қарашли Куйбишев давлат хўжалиги худудидаги Шиблий шайх зиёратгоҳида ҳайрли иш амалга оширилди. Хўжалик раҳбари Қ. Юсупов ва унинг овулдошлари куч-ғайрати билан шайх қабри узра Хива усталари услуб ва анъаналари асосида маҳобатли мақбара қад кўтарди.**

● **Андижон туманидаги «Намуна» савдо-саноат бирлашмаси ўз газетасига эга бўлди. Шу бирлашма номи билан аталган мазкур нашрнинг 16 бет ҳажмидаги икки рангли сони босмадан чикди. Унда вилоят олий ўқув юртлари олимларининг иқтисоднётга оид қизиқарли мақолалари ўрин олган. (ЎзА).**



ЗАРГАРДАН ТОРТИБ ЭГАРСОЗГАЧА БОР

Ўрта асрларда бу қадим тупроқда ҳунармандчилик анча равнақ топган эди. XX аср бўҳронлари таъсиримми ё эътиборсизлик сабабми, бу соҳанинг кўп турлари таназзулга юз тутди. Хайриятки, Андижон вилоятининг манший «Техсоз» фирмаси хайрли ишга қўл урди. Фирма ҳозирда беш юздан ортиқ турли касбдаги ҳунармандларни бағрига олди. Унинг фаолиятидан аҳоли мамнун. Фирмада уй-рўзғор анжомлари устасидан тортиб заргар-у, эгарсозгача борлиги буюртмачиларга қўл келмоқда. Энди чавандоз отига эгар қидириб фалон қишлоққа борib, овора бўлмайди.

СУРАТЛАРДА: Заргар Содиқжон Зокиров 22 йилдирки баҳоли қудрат ота ҳунарини давом эттирмоқда. Шу аснода йигирмадан ортиқ шогирд ҳам тайёрлади; «Техсоз» фирмаси маҳсулотидан намуналар; «Техсоз» фирмаси ходими Одина Абдуллахўжаева фирма маҳсулотини намойиш қилмоқда.

Ш. ОЛИМОВ суратлари.

Бизнинг мусоҳаба

ЎЗБЕКЧА БИЛАСИЗМИ?

ЭРТЎҒРУЛ ЁМОН — Анқара Университети тил-тарих-география факультетининг ўқитувчиси. Туркия Ёзарлар Бирлигининг аъзоси. 1960 йилда Туркиянинг Токат шаҳрида туғилган. Докторлик тайёргарлигини тугатиб, «Ўзбек туркчаси билан Туркия туркчаси орасидаги синтаксис муносабатларнинг муқоясаси» мавзуида илмий изланиш олиб борянти. Туркологияга оид бир қатор асарлар муаллифи. Айни пайтда ТошДДнинг туркология кафедрасида ва Иқтисодиёт университетида турк тилидан дарс берянти. Қуйида ТошДД ўзбек филологияси факультетининг ўқитувчиси Улуғбек СУЛТОНнинг Эртўғрул Ёмон билан тилимизнинг айрим масалаларига оид суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Эртўғрул афандим, Сиз Ўзбекистонга ташриф буюрган кунингиз юртимиз мустақиллигининг бир йиллиги хўб бир тантана билан нишонланаётган эди. Мустақиллик эълон қилинмасдан икки йил бурун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Мен ижтимоий ҳаётдаги бу икки ҳодиса оралиғида табиий бир боғлиқлик қонуниятини кўраман. Зеро, қотиб қолган миллий онг, миллий тафаккурнинг ҳаракатга келиб, шакллана бошлаши халқнинг ўз тилига муносабатида кўринади. Тилга эътибор қила бошладик. Ва эътибор қилиб шу нарсани кўряпмизки, тилимизда ҳал қилиниши керак бўлган ўта жиддий муаммолар ниҳоятда кўп экан. Тилшунослигимиздаги бундай муаммолар Сизни ҳам ўз «доминга торта бошлаган бўлса керак!

— Мен Ўзбекистон тупроғига 30 август куни қадам қўйдим. Тўғриси, бахтли бир тасодиф билан Сизнинг Мустақиллик байрамингиз арафасида Тошкентга келиш насиб этди. Бу мен учун таъриф-ға сиғмас саодатдир. Шундай қутлуғ кунда Сиз азизлар билан нишонланган байрам тантаналари мен учун унутилмас хотирадир. Сизлар аслида мустақиллиги 3 йил олдин ўзбек тилини давлат тили деб эълон этиш билан қўлга киритган эдингиз. Зотан, Мустақиллик давлатлар учун ҳам, инсонлар учун ҳам аҳамиятли тушунча. Мустақилликка эришиш жуда мушкул, уни бой бериш эса ҳеч гап эмас ва бу жуда ачинарли ҳол. Мустақиллик тушунчаси замирида бир қанча ўзаро боғлиқликда бўлган бирликлар бор. Ҳақиқий мустақиллик учун бу сўзнинг ёнида унинг асосини ташкил этувчи тил, дин, урф-одатлар каби тушунчалар ҳам мустақил бўлиши керакдир. Буларнинг ичида энг аҳамиятлиси тилдир, десак муболаға бўлмас. Чунки тил инсонларни бир мақсад атрофида тўплаб, ўзаро туйғу ва тушунча бирлигини юзага келтириш билан уларнинг миллат бўлишини таъмин этади. Мустақиллик тушунчасининг бор ёки йўқлигини белгиловчи мезонлардан бири ҳам тилдир. Агар ўз тилингиздa гаплаша олмасангиз, бу мустақил ўйлай олмаслигингиздандир. Тафаккурингиз чегараланган бўлса, мустақилликдан сўз юритишингиз мумкин ҳам эмас. Аллоҳга шукрки, Сиз она тилингизни давлат тили, деб эълон қилгансиз. Бу мустақиллик йўлидаги энг муҳим ҳал қиувчи қадамингиздир.**

Оврўпода «мустамлакачилик» тадқиқотчилари мағлубларга ўз тилларини қабул қилдиришни биринчи даражали вазифа ҳисоблашган. Тил ҳар ишнинг калити эканлигини улар жуда яхши билишарди. Ҳатто Наполеоннинг «Сўзлар кириб борган жойда қурол ишлатишга ҳожат йўқ», деган машҳур сўзи бор. Шукрки, Сиз ўз тилингизнинг ўрнини тайин этдингиз. Бу илк ва муҳим қадам. Аммо, иш бу билан битмайди. Энди, Сиз таъкидлаганингиздек, тилнинг ўзидаги баъзи муаммолар табиийки, осонликча ҳал бўлмайди. Бу маълум вақт ўтишини талаб қилади. Қолаверса, тилнинг ўз ички қонуниятлари ҳам бор. Менинг эътиборимни жалб этган энг муҳим муаммолардан бири тилингиздаги рус ва Оврупо тилларидан русча талаффуз бўйича қабул қилинган сўзларнинг кўплигидир. Яна бир муаммо — афсус билан айтаманки, — ўзбекларнинг ўзбекчани яхши билмасликларидир. Ўзбек тили ҳақида баҳсда мен ўзимни «чет эллик», деб ҳисобламайман. Сизнинг муаммоларингиз бизнинг ҳам муаммоларимиздир. Қилиниши керак бўлган ишга келадиган бўлсак, фурсат ўтказмасдан тилингиздаги рус ва Оврупо сўзларининг баъзилари ўрнига ўзбек ёки бошқа турк лаҳжаларидан сўзлар олишингиз мумкин. Фақат бу иш олимлар, мутахассисларнинг кўрсатмаси бўйича қилиниши шартдир.

Баъзи ўзбекларнинг ўзбек тилини билмаслиги эса ачинарли ва кишини ўйга толдиradиган масаладир. Хусусан, радио, телевидение, кундалик матбуот ва расмий ёзишмаларда ўзбекчани қўллаш, нутқ маданияти, сухандонликка эътибор қаратиш билан бу муаммони ижобий ҳал этиш мумкин. Яна бир ечим, халққа бу муаммонинг асл моҳиятини англатмоқликдадир. Бу ишда биздан қандай ёрдам керак бўлса, биз ҳозирмиз. Бу ўринда Сиз учун энг зурури — режа ва шу режага асосланган амалий ҳаракатдир.

— Бугунги ўзбек адабий тили хўжасизлик майдонига айланиб қолди. Жамиятдаги ўзгаришлар тилда ҳам ўз аксини топяпти. Бугун ҳар ким сўзларни ўзи хоҳлаган шаклда ёзиши ва ўзи билганича янги сўзлар ясаши мумкин. Сиз айтганингиз рус ва оврупоча сўзларни ўзбек тилидан четлатишга уриниш сиёсий эҳтиросларга қизиғи билан амалга оширилаётгандай. Тилимизда пайдо бўлаётган янги сўзлар форс ва арабча сўзлар ва сўз ясовчи қўшимчалар асосида вужудга келмоқда. Ваҳоланки, тилчилигимиз тарихида бу масалада етарли тажриба бор. 20-йилларда, Фитрат, Чўлпонлар ўзбек тилига ҳаддан ортиқ суратда ёпирилиб кириб келган арабча-форсча сўзларга қарши курашган эди. Улар ташкил қилган Ўзбекистондаги дастлабки адабий ташкилот — «Чиғатой гурунги» тил соҳасида катта ишларни амалга оширганди. Управление — бошқарма, лампочка-симчироқ, акционер-улушчи, поезд-ўтарава, киоск-кўшак, пролетар-йўқсил тарзида ўзбекчага ўгирилган ёки туркийча сўз ясаш қонуниятларига мувофиқ янги сўзлар ясалган эди. Бу сўзларнинг аксари муомалага кириб кетган. Бугунги тил соҳасидаги «бозорчилик»нинг сабаби знёлн, журналистларнинг тил илмининг яхши билмасликларидаги ўхшайди. Яна менимча, тилшунослар матбуотда, умуман кишилар ўртасида тил баҳсида етакчиликни қўлга ололлмаяптилар. Тилни бундай аҳволдан олиб чиқиш учун Сизнингча нималар қилиш керак!

— Ҳа шу кунларда Ўзбекистон ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Жамиятдаги бу ўзгаришлар табиийки, тилда ҳам акс этмоқда. Ўртада раҳбарлик қилувчи маъсуллар йўқлиги учун ҳар ким истаганича сўз «яратмоқда» ва ўзгартирмоқда. Қисқача шуни айтишим мумкинки, тилдаги чет сўзларни чиқариб юборишга шошиш, талашишнинг кераги йўқ. Секин-аста чиқарилган сўзлар ўрнига янги ўзбекча сўзлар топиш ёки бошқа турк лаҳжаларидан сўзлар олмоқ керак. Бу масалада жуда эҳтиёткор ва принципиал бўлмоқ керакдир. 1920 йиллардаги жараёнда Фитрат ва Чўлпонларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, жуда қатъий, дадил қадамлар ташлаш ҳаракатидасиз. Одамларни бир онда саросимага туширсангиз, шошилтирсангиз, бу ҳам яхши эмас. Бугунги ҳолатни ўзгартирмоқ учун бу масалага туйғулар таъсирида эмас, мушоҳада — билим асосида ёндашиш керак. Буни тамин этмоқ учун эса тилшунослар бошчилигида илм аҳлини бир жойга йиғиб тузилажак режаларни уйғунлаштирмоқ керак. Имло ҳақида муштарак бир талаффуз қоидалари ҳозирлашингиз шарт. Янглиш сўз яратишларга йўл қўймаслик учун бу ишни тилшуносларнинг ўзлари ҳал қилишлари лозим. Лозим бўлса, қардош лаҳжалар мутахассислари билан фикр алмашувлар керак.**

— Забардаст олим Фитрат «Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайдир, десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Уларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз, туркчалаштирурмиз. «Қонда»нинг туркчаси йўқдир. «Сарф»нинг туркчасини тополмадик. Иккисин даҳи олурмиз. Лекин сиз каби «Қавойди сарфия» демасдан «Сарф қондалари» дермиз. Чунки илмий ислилоҳларнинг туркчаси йўқдир», деб ёзганди. Туркий тилларда, нафақат тилшунослик соҳасида, балки қолган барча ижтимоий-табиий фанлар соҳасида ҳам илмий атамалар асосан Оврупо тилларидан қабул қилинган. Яқинда «Заман» газетининг хабар беришича, туркиялик профессор Ҳасан Эрен туркий терминология масаласини кўтарган ва туркий тилларда рус ва оврупоча атамалар йўқ бўлиши, туркий атамалар яратилишини айтган. Сизнинг бу масалага муносабатингиз қандай!

— Билишимча, Сиз Фитратни жуда яхши кўрар эксанси. Сўзингизнинг бошида ҳам, охирида ҳам унинг исмини тилга олдингиз. Яна муҳтарам олимимиз Ҳасан Эренни ёдга олдингиз. Ҳасанбей 40 йилдан ошдики, бу ишлар билан шуғулланмоқда. Сўроғингизга шундай жавоб беришим мумкин: терминлар масаласи жуда муҳим эътиборталаб масладир. Терминларсиз билим бўлмайди. Исталган нарса шулки, барча терминлар ўз тилимизда ва бутун Туркларнинг тушуниши мумкин бўлган шаклда бўлиши керак. Лекин бу ҳозирча имконсиздек туюляпти. Шу брис қилиниши керак бўлган иш — туркча гаплашувчи барча элларнинг тилчиларини бир жойга йиғиб, уларнинг терминларини кўздан кечириш. Сўнг буларнинг ичидан энг яхшиларини танлаб олиб, ўрта (умумтурк) терминологиясини яратиш керак. Бу амалга оширилиши мумкин бўлган иш. Чунки терминлар умумий сўзлар бўлмагани учун ҳам имкон бор. Албатта, шу кунлардаёқ русча ёки Оврупо тилларидан олинган терминлардан воз кечиш мумкин эмас. Шундай терминлар борки, ўз тилимизда уларнинг эквиваленти, бўлса-да, халқаро шаклини ҳам билишимиз талаб этилади. Фикримча, бундай ўз ва олинма терминлар маълум вақт ёнма-ён яшайдилар. Сўнгра ўз терминлар устунлик қилиб, олинма терминлар ўрнини ҳам эгаллайдилар. Ўрта Турк терминологиясини яратиш учун ғайрат кўрсатайлик.

Дўстим, Сиз Фитратни ёдга олдингиз, мен эса буюк ҳикоянависимиз Умар Сайфиддин ва олимимиз Зиё Кўкалпни хотирладим. Чунки бу фикрлар ҳар икки ижодкорнинг асарларида ҳам бор. Бу ҳурматли зотлар Туркия туркчасининг шаклланишида буюк хизматлар кўрсатганлар. Туркия туркчаси учун Зиё Кўкалпнинг 11 моддадан иборат қарашлари асос қилиб олинган. Мана шу моддаларнинг бири хусусида Туркистон лаҳжалари билан шуғуллана бошлаганимдан, хусусан, Узбекистонга келганимдан бери мулоҳаза юритяпман. Зиё Кўкалпнинг тил билан боғлиқ моддаларидан бирида «Истамбул хонимлари»нинг сўзлашув шакли туркча учун асос қилиб олиниши керак» қабилида бир ифода бор. Бу фикр ўша давр учун тўғридир балки, аммо ҳозир бу ўринли эмасдай туюлади. Истамбул ўрнига Ўрта Анатолия элининг нутқи (шеваси) асос олинганда, бугун Туркия туркчасини бутун турклар англаган бўларди. Бу қандай яхши! Ўрта Осиё туркларн Туркияга келса зиёлилардан кўра Анатолия кишилари билан бир-бирларини осонгина тушуна оладилар. Арабча, форсча сўзлар мавзусида ҳам бизникиларнинг, ҳам Фитратнинг фикрига қўшиламан. Фақат давр энди уларнйнг даври эмас, вазият ўзгарди. Бугун биз янада диққатлироқ ва янада илмлироқ бўлишимиз шартдир.

— Мустақил турк республикаларининг ортиб бориши, турк халқлари аро маданий-адабий алоқаларнинг тикланиши туркий тилшунослик олдига ҳам ўта жиддий масалаларни қўймоқда. Шундай масалалардан бири Умум турк адабий тилини яратиш муаммосидир. Адабий тил — сунъий ҳодиса, халқ тилининг знёлилар томонидан ишланган кўринниши. Шунинг учун ҳам умумтурк адабий тили учун курашиш ғайритабиий ҳаракат эмас. Дунёда турк тилида сўзлашувчи халқлар 160 миллиондан ортиқ аҳолини ташкил қиладн. Шундай ададга эга туркийларнинг тили жаҳон тилларининг бирига айланишга ҳақли. Бунинг учун аввало адабий тил муаммосини ҳал этиш керак...

— Маълумингизким, ҳар неъматнинг бир заҳмати бор. Янги турк жумҳуриятлари ташкил топгач, тил соҳасида баъзи муаммолар юзага чиқди. Иншооллоҳ, биз бу муаммоларни тез орада ҳал этамиз. Чунки бу барча туркларнинг орзуси. Энг долзарб масала айтиб ўтганингиздек, умумтурк адабий тилини яратишдир. Бу тезда, биринчи навбатда амалга оширилиши шарт муаммо. Фақат вақти, замини, шакли ҳақида бир нарса дейиш қийин. Қилиниши керак бўлган иш менингча шундай: аввало барча турк лаҳжалари ўрганилиши керак. Бу ишда тилшунослар ғайрат кўрсатмоғи, халқ ҳамкор этилмоғи зарур. Маълум вақт ўтгач умумтурк тили дунёга келади. Бизнинг ҳисобимизга кўра, 250 миллионга яқин бўлган турклик олами умумтурк тилининг яралиши баробарида дунёда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Барча туркларнинг бир тилни тушунишлари Исмоилбей Гаспрали томонидан синалган ва муваффақиятли чиққан эди. Такрор айтаман: Умумтурк адабий тили учун ғайрат, меҳнат, ҳамкорлик ва режа бўлсин.**

— Маълумки, Совет давлатининг юргизган тил снёсати миллий тилларни чеклаб, йўқ қилиб юборишга қаратилган эди. Рус тили норасмий сурат-



ҲАММА БОЛАЛАР ҲАМ ИСТЕЪДОДЛИ

Фарзандлар мактаб остонасига қадам қўйгач, кўпинча ота-оналар уларнинг тақдирини ўқитувчилар қўлига топшириб қўя қоладилар. Унинг қандай ўқиётганлиги, дарсларни ўз вақтида тайёрлаётганини назорат қиладилару, аммо болаларининг интилиши, қизиқишларини ҳисобга олмайдилар. Аслида эса болалар фикрини тўғри йўналтириш, улардаги истеъдодни ўз вақтида англаб олиш, меҳнатига кўмак бериш ҳам ота-оналардан катта маҳорат талаб қилади. Ҳамма болалар ҳам истеъдодли. Бироқ истеъдоднинг юзага чиқиши учун тинмисиз меҳнат қилиш лозимлигини ҳам унутмаслик керак.

Абдумалик Узоқовга бу борада тақдир кулиб боқди. Унинг отаси Абдурайим Узоқов ТошДД да физикадан талабаларга сабоқ беради. Онаси Замира ая эса 278-мактабда математикадан дарс беради. Акалари Абдулла ва Алишерлар дорилфунуннинг физика факультети талабалари. Оиладаги бундай муҳит Абдумаликка ҳам таъсир этмай қолмади. Мактабда унинг физика-математикадан бўлган истеъдоди тезда кўзга ташланди. Шунда уни Усмон Носир номли 241-мактабда мактаб дастури бўйича имтиҳондан ўтказиб кўрдилар. Имтиҳонларни муваффақиятли топширгач эса дорилфунунга кириш учун йўлланма бердилар.15 ёшли боланинг дорилфунунга қабул қилиш учун махсус комиссия ташкил қилинди. Абдумалик бошқа талабалар каби тўртта — математика, физикадан ёзма ва оғзаки, она тилидан диктант топширди. Унинг имтиҳонда ечган масалаларини текшираётганида «мўъжиза» рўй берган экан. Тўртинчи масаланинг ишланиш жараёни ўқитувчининг ечими билан солиштирилганида, ўзлари хатоликка йўл қўйганликлари аниқланган. Шундай қилиб, энг юқори 18 бал тўплаб, 15 ёшли Абдумалик талабалар сафига қабул қилинди.

Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши учун мана шундай иқтидорли, талантли ёшларнинг меҳнати бениҳоя зарурдир. Бизнинг вазифамиз эса уларни ўз вақтида англаб, озгина туртки бериш, холос. Мана шундай ёшлар келажакда мустақил Ўзбекистонимиз номини дунёга танитгай.

Раззоқ ШОЙИМАРДОНОВ,
ТошДД журналистика факультети 1-курс толиби.

СУРАТДА: ТошДД физика факультети декани Сирожиддин Зайнобиддинов ва биринчи курс талабаси А. Узоқов.

Таҳririsiz хат

ҲАҚИМНИ КИМДАН СЎРАЙ?

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

«— Мен 1988 йилнинг 15 майидан 1991 йилнинг 15 майигача Мурманск вилоятининг Североморск шаҳрида Шимолий флотда матрос бўлиб хизмат қилдим. 1989 йилнинг 10 майида бизнинг кемадан ва бошқа бўлинмалардан қоматлари келишган, соғлом, бақувват йигитларни йиғишиб, тиббий кўрик, махсус суҳбатдан ўтказишди. Суҳбатдан билиб олдимки, бизни Африкага — ёлланма хизматга олиб кетишар экан. Бу иш гарчи хавфли бўлса ҳам рози бўлдим. Сабаби, оиламиз катта, ўн нафармиз. Ҳаммаси ёйман, ичаман, деб турганлар... Отам касалманд, ўқитувчи. Ойлигини етказолмайди. Пул ишлаб борсам, уйдагиларга ёрдамим тегар, тавакқал...

Роса чиғириқлардан ўтказишгач, нотаниш рус матрослари билан «ИЛ—62» тайёрасида 14 декабрь куни Анголанинг Луанда шаҳрига етдик. У ердаги ҳаётимиз ниҳоятда хавфли ўтди. Берадиган овқатининг мазаси йўқ. Ит ётиш, мирза туриш билан ҳам ҳарбий бўлимларни қўриқлаймиз. Ҳар куни бир ваҳимали гап бўлиб қолади. Ҳукумат билан курашиб келаётган УНИТАнинг одамлари пайт пойлаб қисмларимизга ҳужум қилади. Иқлими соғлиғимга ёмон таъсир қилиб, лабларим шишиб, юрагим санчадиган бўлиб қолди. Натижада бир йилдан кейин СССРга қайтдим.

Биз Анголада хизмат қилган матросларга ойига 22 доллар (АҚШ доллари)дан тўланарди. СССРга қайтаётганимизда «Сизнинг ҳисобингизда 176 доллар бор, 6 ойдан кейин Курск вокзали ёнидаги «Внешэкономбанк»дан оласиз», дея қўл қўйдириб қолишди. Аммо ҳеч қандай ҳужжат беришмади. Мана бир ярим йил ўтдики, ўша ҳисобдан дарак йўқ. Фарғона вилояти ҳарбий комиссариатига бориб суриштирсам, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди дейишади. Тошкентга малака оширишга келаётган отамдан ёрдам сўраб мудофаа вазирлигига хат бериб юборсам, уни ичкарига қўйишмабди. Ҳеч бўлмаса хатимни олиб, рўйхатдан ўтказинглар деб қанча уринмасин, рус зобити «Яқинда хат ва арзномалар учун алоҳида қути ўрнатамиз, ўшанда ташлайсизлар», деб қўпол жавоб қайтарибди. Отам нолож хатни комендантга ташлаб келибди,

Ҳайронман, мудофаа вазирлигимизнинг ташкил қилинганига ҳам бир йилдан ошди. Наҳотки, ҳеч бўлмаса одамлар дардини тинглайдиган битта бўлим ташкил қилишнинг иложи бўлмаса? Шунинг учун ёрдам сўраб, сизларга мурожаат қилаяпман. Салом билан фарғоналик

Анваржон ШЕРМАТОВ».

РИВОЖЛАНИШГА ЗАМИН

Туркия Республикаси ҳамкорлик ва тараққиёт маҳкамасининг раиси Умут Орик Эркин савдо минтақаларининг ташкил этилиши Қора денгиз ҳавзаси ва Кавказ мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига замин яратади, деб айтди. Улар, яъни эркин савдо минтақалари, Марказий Осиёдаги туркий давлатларнинг ташқи дунё билан ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатишига ёрдам беради. Бундай минтақалар барча туркий мамлакатларда барпо этилиши мақсадга мувофиқ бўлурди. Таниқли иқтисодчининг фикрича, дунёнинг етакчи минтақаларида жойлашган бу ўлкаларнинг саноат ва банк марказлари билан қуршаб олиниши ёш давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги тўсиқларни енгишига ёрдам беради.

Туркия Республикаси ҳамкорлик ва тараққиёт маҳкамаси раиси ўзининг «Теркеш дейли ньюс» рўзномасида эълон қилинган суҳбатида Ботуми шаҳри билан Хоп шаҳри оралиғидаги макон эркин савдо минтақаси учун қойилмақом жой эканини айтган.

Маълумки, ҳозирги вақтда Туркия Республикасида ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Мамлакатнинг Қора денгизлаги Трабзон бандаргоҳи туманида эркин савдо минтақаси ишлаб турибди.

Туркия Республикаси расмий рўзномаларининг хабар беришига қараганда, Трабзон бандаргоҳида Ўзбекистон учун ажратилган 11 минг тонна турк чойини юклаш ишлари янги йил арафасида бошланди ва дастлабки карвонлар йўлга чиқди.

ЛЕОНИД КРАВЧУК: ҚУЛЛИККА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг 22 январга белгиланган Минск учрашуви олдидан Украина Президенти Леонид Кравчук мамлакатда фаолият кўрсатаётган партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар раҳбарлари билан маслаҳат кенгаши ўтказди. Давлат бошлиғининг гапларига қараганда, бу учрашувни ўтказишдан мақсад, аниқ бир қарор қабул қилиш эмас, аксинча, МДҲ низоми лойиҳасига нисбатан умумий муносабатни ишлаб чиқиш ва Украинанинг ҳамдўстлик таркибида қолиш-қолмаслигини муҳокама қилишдир.

Бир-бирига қарама-қарши мулоҳазалар ўртага ташланди: Бир гуруҳ сиёсатдонлар МДҲ низомини имзолаш керак эмас ва Украина ҳамдўстликдан чиқиши зарур деган фикрни илгари сурган бўлсалар, айрим партия ва ҳаракат раҳбарлари ҳавола этилажак ҳужжатни имзолаш лозим ва ҳамдўстлик ичида кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш керак деган таклифни тавсия этдилар.

Учрашувда танқидий руҳ устунлик қилди. Сўзга чиққанлар ҳамдўстлик низомининг ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш, ягона иқтисодий маконни сақлаб қолиш зарурлиги, ташқи чегараларнинг бирлиги тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бандларини қаттиқ танқид қилдилар. Президент Леонид Кравчук эса лойиҳанинг МДҲ давлатлари бошлиқлари кенгаши қарори келишув асосида қабул қилиниши тўғрисидаги 23-бандига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, аввал қабул қилинган қарорлар шундан далолат берадики, улар доимо кўпчилик овоз билан қабул қилинар, томонлар эса келишув тамойилига амал қилмас эди. Украина Президенти ушбу тамойил Украинанинг мустақиллигини чеклабгина қолмасдан, барча давлатларнинг нафсониятига тегади, деб ҳисоблайди.

Сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашув натижаларини умумлаштираркан, Леонид Кравчук ҳатто қон тўкишдан ҳам тап тортмай Украина халқини қайта қуллик асоратига солишга уринаётганлар билан чиқиша олмайман, деб айтди. МДҲ низоми лойиҳасига шахсий муносабатини билдира туриб, Украина Президенти МДҲ давлатлари ҳавола этилаётган ушбу ҳужжатни имзолаш учун ривожланиш даражасидан ҳам, ўз давлатчилик устқурмаси шаклланиши жиҳатидан ҳам тайёр эмаслар, деди.

Давлат бошлиғининг фикрича, МДҲ низоми Украинанинг миллий қонунчилиги ва миллий манфаатларига зид бўлган бир ҳужжатдир. Ҳамдўстлик низоми МДҲни янги иттифоққа айлантиришга уринаётганларга керак. Жумладан, дунёда собиқ СССР ҳудудида янги Югославия вужудга келишидан ва собиқ империя ядро қуролларининг тарқалишидан кўра, иттифоқнинг қайта тикланишидан манфаатдор бўлган кучлар бор. Россияга эса, Леонид Кравчукнинг талқинича, янги иттифоқ керак, чунки у буюк давлат мавқеини сақлаб қолишга интилмоқда. Тайинки, унинг бу интилишига қаршилик кўрсата оладиган куч ҳозирча йўқ. Бошқа жиҳатдан олганда эса Россия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир аъзоси сифатида ҳар бир халқнинг хоҳишистагини тан олмоғи шарт.

Хуллас, Киевда бўлган учрашув Украинанинг МДҲга муносабатини тўла ойдинлаштириб бера олмади. Бироқ, шу нарса маълумки, Минск учрашувида Украина Республикаси МДҲнинг ҳозирги низомини имзоламайди. Украинадаги барча нуфузли сиёсий кучлар президентни қўллаб-қувватлаши шундан далолат беради.

Игор ГРУШКО,
ЎзА мухбири.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ФАЛОКАТСИЗ ИШЛАШ ГАРОВИ

Деҳлилик автобус ҳайдовчилари кўпсоатли машаққатли меҳнатдан сўнг, уйга қайтишга шошилишмайди. Чунки ишдан сўнг, уларни автобус паркларида жорий этилган йога машқлари кутади.

Илгари ҳайдовчилар соғлиғига бефарқ қарашда кўп бор айбланган ерости транспорти ва пойтахт транспорт корпорацияси вазирлигининг маслаҳати билан ана шундай ақлий ва нафас олиш машқлари жорий этилди. Ҳозир йоганинг тажрибали усталари ҳайдовчиларга чарчоқдан қутилиш йўлларини ўргатмоқда. Бу ерда йога санъатини эгаллаш — фалокатсиз ишлаш гаровидир, деб ҳисоблашади.

Бултур сентябрь ойидан буён Деҳлидаги ўн ярим минг автобус ҳайдовчисидан саккиз минг киши йога машқларига қатнашди.

ШЕВАРДНАДЗЕ ЁРДАМ СУРАДИ

Грузия Ҳавфсизлик Кенгаши «Абхазия минтақасида тинчликни сақлаш учун зудлик билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кучлари юборилиши тўғрисида» қарор қабул қилиши учун БМТга илтимос билан мурожаат этди. Грузия Олий Кенгаши Раиси ва давлат бошлиғи Эдуард Шеварднадзенинг БМТ Бош котиби Бутрас Гали номига юборган мактубида ана шу илтимос билдирилган. Мактуб ўтган сешанба куни Ҳавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

Ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, давлат бошлиғи Грузиянинг таркибий қисми саналган Абхазия Мухтор Республикасида Россия Федерациясининг ҳудудида шаклланган ва Президент Борис Ельцинга муҳолиф сиёсий кучлар кўрсатмаларига биноан ҳаракат қилаётган ҳарбий кучлар мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига таҳдид солаётганини маълум қилган.

Хорижда нима гап?

● ЯКШАНБА куни Ҳиндистон Республикаси пойтахтида ўз ишини тугатган анжуман иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1995 йилни этемаслар халқаро йили деб эълон қилиш хусусида мурожаат этдилар. Жаҳон этемасларининг халқаро 30-конгресси делегатлари қабул қилган якуний резолюцияда овқатланишнинг бу услубини кенг тарғиб қилиш таклифи илгари сурилган.

● КУТИЛМАГАНДА ёпирилган қаҳратон қаҳри аллақачон беш нафар бошпанасиз французнинг ёстиғини қуритди. Улардан бири — 46 ёшли бир эркак — Эн департаментининг Нанюта кентида ташландиқ уйнинг ғаллахонасида музлаб ўлган экан.

Маълумки кейинги беш йил мобайнида Францияда қиш анча юмшоқ келган эди. Бироқ, Янги йил арафасида Қорбобо нафақат совғасалом, қолаверса, совуқ ҳаво билан кириб келди. Йўлда юриш қийинлашиши ва шамоллаб қолиш мумкинлиги сингари одатий ҳоллардан ташқари музлаб ўлиб қолиш каби аянчли воқеалар мамлакат аҳолисининг эсига тушди.

Бутун мамлакат миқёсида қаровсизларга қўшимча бошпана беришга киришилди.

(ЎзА).

Суратда: Эртўғрул ЁМОН (чапда).

— Ўзбекчанинг бугунги қўлланилиш доираси исталган савияга эмас. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Менимча, аввало мана шу сабабларни ўрганиш керак. 70 йилдан ортиқ муддат Сизларда мажбуран бегона тил билан гаплашилди ва ёзилди. Бу ҳол бугун икки нарсани юзага чиқариб турибди. Ўзбекларнинг кўпи айтиб ўтганимиздек, русча қўлламоқдалар. Бугун Тошкент кўчаларида русча сўзлар ўзбекчадан кўра кўпроқ эшитилмоқда. Бу узоқ йиллар давом этган сиёсатнинг табиий оқибатидир. Энг ачинарлиси, ўзбек тилига эътиборсизлик қилинди, тил фақирлашди. Шу даражага етдики, тафаккур юритишда раҳбарлик чет тилга ўтди. Тил тушунча ифодалаш воситаси бўлганлиги учун тилдаги турли ўзгаришлар тафаккурга ҳам таъсир кўрсатади, албатта. Тафаккурга чегара қўйишнинг энг осон йўли тилни бузмоқ ёки ўзгартирмоқдир. Шу боис Ленин ва Сталин «оқиллик» билан энг осон усулни қўллаганлар ва бу улар ғояларининг муваффақият қозинишини таъмин этди. Албатта, бугунги ҳолат ўзгармасдан шундайча қолмайди. Хабарингиз бор, Туркияда ҳам 1928 йилгача араб алифбоси қўлланилар эди. Биз 1928 йилда лотин ҳарфли турк алифбосини қабул қилганимизда, сиз ва бошқа турк жумҳуриятларида лотин алифбоси қўлланила бошлаган эди. Туркиянинг лотин алифбосини қабул қилишининг бир сабаби ҳам олисдаги дўстларимиз — Сизлар билан орадаги пардани кўтармоқ ва бутун туркларнинг бирларини осон тушуришларини амалга оширмоқ эди. Афсуски, 1920 йилларда шарқшунос Ильминскийнинг фикрлари асосида собиқ СССР таркибидаги турк халқларининг бир-бирларидан узоқлашувларига сабаб бўлган ва шу мақсадда тузилган алифбога ўтилди. Шу тариқа орамизга «темир» парда қўйилгандай бўлди. Бундан кейин эса Сиз айтганингиздек, рус тилининг гуллаб-яшнаши учун кенг йўл очилди. Турк тилларига қилинган бундай жосусона ҳаракатлар кўпларнинг онги, тафаккурига советчиликнинг иллатини сингдирди. Турклик ғурури сўнди. Бу давосиз дард эмас. Хасталикни даволашнинг энг яхши йўли—дардни аниқламоқ, ташхис қўймоқдир. Фикримча, Сизлар ташхис қўйиб бўлдингиз. Бундан кейин режа билан давом этмоқларингиз керак. Қандай даво дейсизми? Ожизона фикримни баён қилай: Сизлар тарихий-аждодий илдизларингизга жудз боғлиқсизлар. Бу боғлиқликларни замон талаби билан қайтадан идрок қилмоқ, хусусан, келажак авлод онгига бунинг моҳиятини сингдирмоқларингиз керак. Бир масалага эътибор қаратишингизни истардим. Айни вақтда империализм ҳақида фикрлар ошкора гапирилмаяпти. Империализм ўзи учун бу кунда жуда замонавий ва таҳликасиз йўллар топгандир. Улар ўз ғоялари, идеалларини «замонавий, умуминсоний» каби ниқоблар билан тақдим этмоқдалар. «Замонавийлик» ниқоби остида миллатни ўзлигидан узоқлаштирмоқ ва ўз иқтисодий мақсадлари томон йўналтирмоқ мақсадлари бордир. Жаҳоний тараққиёт томон боришда Сизлар ўзлигингизни йўқотмасликларингиз керак. Хусусан, ёшлар маълум ғоялар атрофида бирлашишлари, дунёга чиқаётган соғлом мақсадлар билан уюшиб ҳаракат қилмоқлари керак. Аминман, ўзбек ёшлари ҳам Туркистон, қолаверса, Турк олами равнақи учун муносиб хизмат кўрсатадилар.

— Ёшларимизнинг тилни тушуниш, тилнинг ижтимоий моҳиятини, маънавий—эстетик жиҳатини идрок қилишлари мени ҳеч қониқтирмаяпти. Ўзбек ёшлари лекцияда «Ўзбекча биламиз-ку! Ўзимиз ўзбек бўлсак, мактабда етмагандай университетда ҳам ўзбек тили билан бош оғритиш нима керак!» қабилида саволлар беришади. Сизга ёш турк тилини ўқитилиши ҳақида мана шундай савол берганда, қандай жавоб берган бўлардингиз!

— Ўзбек ёшларининг маълум қисми ўзбек тилини мутлақо билмайдилар ёки чала биладилар. Бу аҳволни мен дарсларимда ҳам кузатдим. Ёшлар ўзбекча гапиришга қийналадилар, жумлалар ичига жуда кўп русча сўз қўшиб юборадилар. Ҳатто баъзан бир-бирларидан «Ўзбекчаси нимайди?» деб сўрайдилар. Бу албатта, кўнгилсиз бир ҳол. Узоқ йиллар ҳукм сурган истибоднинг оқибати. Яхшиямки, бу аҳвол англана бошланди, бартараф этишга киришилди. Ёшларнинг тилни мақбул қўллашларига эришиш учун уларга бу ишнинг моҳиятини англатмоқ керак. Ёшларнинг ўз она тиллари ҳақида бундай сўзларни айтиши таассуфки, айни ҳақиқат. Қилинажак иш тилнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги она тилнинг ўрнини ва миллат ҳаётидаги заруратини идрок эттира олишдан бошланиши керак. Бу эса фақат тилшуносларнинг эмас, балки бутун зиёлилар, хусусан, ўқитувчиларнинг ҳам бурчларидир. Туркияда бизга ҳам шундай савол беришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Менга шундай савол билан мурожаат қилишса, тилнинг миллат ва давлат ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириб, уларнинг фикрини ўзгартиришга ҳаракат қиламан.

— Сўзлар ҳам одамлардек туғилади, яшайди, ўлади. Сўзлар ўзининг таъсир кучи, мусиқий оҳангдорлиги, нафис эстетик товланишлари, ғайб дунё билан руҳий алоқанинг воситаси сифатида кишилар орасида инсонийлик муносабатларни ташкил қилади. Бир сўз жамиятдаги бутун бир ҳодисаларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт,

деб битганди Ҳазрат Навоий. **Сўзнинг маъносида барқарорлик бўлмас экан. «Ўзбек»нинг маъносини «ўзига бек» деб тушунишади. «Ўзбек» қадим туркча сўз бўлиб, «жони чидамли» деган маъноли сўз экан. Ғараз (мақсад), басир** (кўрувчи) **каби арабча сўзлар ўзбекчада асл маъноларига бутунлай зид маънога эга бўлиб қолган. Шунингдек, Сизнинг фамилиянгиз — Ёмон деган сўз ҳам бизда салбийлик маъносини англатади.**

— Диққатингизни бир сўз ва бир қўшимчага қаратмоқчиман. Умумий ҳолда Туркистон турклари учун «туркий» сўзи қўлланилмоқда. Бу сўз, хусусан, сўз охиридаги нисбат қўшимчаси — ий Туркияда ҳам жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган ва ниҳоят бу хил қўлланиш сунъий ажратишга сабаб бўлишини кўзда тутиб, «туркий» эмас, тўғридан-тўғри «турк» шаклида қўллашга қарор берилди. Биз ҳам шу фикрдамиз. Сизга яхши маълумки, Ўрхун обидалари, «Қутадғу билиг», «Девони луғотит турк» ва бошқа асарларда «туркий» деган сўз учрамайди. Бу манбаларнинг ҳаммасида сўз «турк» шаклидадир. Ҳатто устод Навойи ҳам «турк» шаклида қўллаган. «Туркий» сўзи «форсийзабон»лар томонидан кейинчалик ясалган шаклдир. Қолаверса, руслар ҳам Туркия туркларини ва Туркистон туркларини фарклаб кўрсатиш учун «турци» ва «турецко» сўзларини қўлламоқда.

Сўзнинг аҳамиятига келсак, сўз аслида инсон ва коинотнинг калитидир. Бир лаҳза тилни йўқ, деб тасаввур қилиб, ўйлаб кўрайлик: воажаб, сўзлашув, ёзув ва бошқа мулоқот воситалари бўлмаса нима қилардик? Маданиятнинг даражаси қандай бўларди? Тил буюк Аллоҳнинг инсонларга бахш этган улуғ неъматларидан биридир. Шу маънода ҳар бир сўз маълум таъсир кучига эга. Баъзан бу таъсир қудратини тасвирлаш—тавсифлашга сўз ожизлик қилади. Сўзнинг таъсири ва аҳамиятини бутун оламга машҳур устоз шоиримиз Юнус Эмро шундай таъриф этади:

Сўз будурки, кесадир бошни,
Сўз будурки, кесдирар бошни,
Сўздир ул, тўхтатар урушни,
Сўзки, бол этар оғули ошни.

Сўзларнинг маъно жиҳати жуда қизиқарли мавзу. Бир сўзнинг илк ва кейинги маънолари орасидаги муносабатни аниқлаш баъзан қийин бўлмоқда. Бу ҳол тилнинг қудрати ўзига хослигини кўрсатмоқда. Тўғриси, мен бу маъно ўзгаришларига ҳайриҳоҳман. Чунки, бу тилнинг табиий тараққиётига уйғундир. Шундай маъно ўзгариши менинг фамилиям бўлган «ёмон» сўзида ҳам бор. Бу сўз ва бу сўз билан ўзакдош бўлиши эҳтимол бўлган «ёвуз» каби сўзлар эски туркчада салбий маъноли сўзлардир. Бу сўзлар Туркия туркчасида салбий маъноларини йўқотиб, ижобий маъно касб этган. Ҳар икки сўз ҳам эндиликда «йигит баҳодир, қаҳрамон» каби маъноларни ифодалайди. Туркия туркчасида сиздаги «ёмон» сўзи ўрнига «куту» сўзи ишлатилади.

— Ёшлар билан кўп мулоқот қиляпсиз. Уларда Ўзбекистоннинг келажаги учун хайрли қандай фазилатларни ва маънавий таназзулга олиб борувчи қандай қусурларни кузатяпсиз!

— Бу саволни берганингиздан жуда мамнунман. Чунки ёшлар эртанинг эгалари бўлганлиги учун ҳам бу ўта жиддий масала. Мен сизга дўст бўлганлигим учун очиқ ва аччиқ сўзлайман. Аввало, ёшлар тарбияси, хулқидаги мақбул жиҳатлар: ўзбек ёшлари совет истибдодининг таъсири остида вояга етган бўлсалар-да, ўзлигини топиб олганлар. Ёшларнинг аксарияти одобли ва камтар, меҳмонларга ҳурматлидирлар. Қисқаси, маънавияти гўзал авлод. Лекин баъзи қусурлар ҳам бор: ёшлар илм, сабоқ билан кам - шуғулланишади. Қизлар ўзларига ортиқча зеб беришар экан. Бунча бўёқ, ясанишларнинг нима кераги бор? Қилинадиган ишга жиддий қарашмайдилар. Йигит-қизлар орасидаги муносабатда ҳам анормал ҳолатлар бор. Қизларга уятли сўзларни айтишдан ҳам тойишмайди. Бир ётоқда яшашади. Қиз ва йигитларнинг ётоқхоналари алоҳида бўлиши керак. Бу бизнинг ахлоқимиз, урфимизга тўғри келмайди. Алҳамдулиллоҳ, биз мусулмонмиз. Шу боис ибодатларимизни қилишимиз, ҳеч бўлмаса ўрганишимиз керак. Фақат талаба ёшларгина эмас, барчада берган сўзда турмаслик касали бор. Бу зарарли одат. Талабалар домлаларига етарли даражада ҳурмат кўрсатмайдилар, Устозларга нисбатан ҳурмат керакдир. Хусусий уйлар озода, лекин умумий жойлар (ошхона...) бундай эмас. «Озодалик (тозалик) иймондандир» деган сўзларни унутмайлик. Тилагим, ўлкангиз, миллатингиз, тилингиз иймонингиз, номусингиз учун қайғуринг! Иноғанингиз Аллоҳ мададкорингиздир. Барчангизга муҳаббатимни изҳор қилиш билан сўзимни якунлайман.

РАНГ! ДАРАК ОЛАМ

САККИЗ ЮРАКЛИ ДИНОЗАВР

● АМРИҚОЛИК олимлар ўтказган тадқиқот ғаройиб хулоса чиқаришга туртки берди: 200 миллион йил аввал яшаган 15 метрли динозаврларнинг 8 та юраги бўлган экан. Фақат олимлар шу нарса устида иккиланишмоқдаки, ўтхўр бу динозаврлар (барозавр) узун бўйинларини ерга параллел ҳолда кўтариб юришганмикин, ёки жирафадек тикка тутиб юришганмикин? Ҳар ҳолда иккинчи таҳмин бир оз бўлса-да, ҳақиқатга яқинроқ, деб ёзади «Ланцет» журнали. Чунки Нью-Йоркдаги табиат тарихи музейида намойиш этилаётган барозавр скелети иккинчи таҳмин тўғрилигига асос бўла олади. Агар шундай бўладиган бўлса, унинг бошига қон етиб бориши учун юрак-томир тизимлари ўта бақувват бўлиши керак. Шунинг учун олимлар ҳисоблашмоқдаки, барозаврнинг бир юраги кўкрак қафасида, бири бўйин олдида, қолган олтитаси эса 12 метрлик бўйнида жойлашган.

ТИМСОҲЛАР ЕТИШОЛМАДИ

● КЕНИЯНИНГ шарқида жойлашган Гарис шаҳридан оқиб ўтувчи Тана дарёсининг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғигача 20 та тимсоҳ билан «ким ўзар» ўйнаган бир киши жуда машҳур бўлиб кетди. Тўғри, у бу пойгага олдиндан тайёрланмаганди, чунки кутмаганди ҳам бундай бўлишини.

Аслида воқеа бундай бўлган: Абибакар Салим янги йилни бутунлай янги инсон сифатида бошлашга қарор қилди. Бунинг учун эса одатга кўра тоза сувда ювиниш керак. Абибакар шундай қилаётувди тўсатдан сирпаниб, тимсоҳлар маконига — дарёга тушиб кетди.

Қирғоқдагилар эса барибир фойдаси йўқ деб ёрдамга ошиқишмади ҳам. Жонни қутқариш бечоранинг ўз зиммасига қолди. Барибир жон ширин экан. Абибакар шунча тимсоҳлар орасида дарёнинг у чеккасидан бу қирғоғигача бир зумда сузиб ўтди. Натижада тимсоҳларнинг сўлаги оққани қолди холос.



Қорбобони кўрмай қолди-м-м... Муҳаммад АМИН суратн.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

МОЗИЙДАН БИР САДО КЕЛДИ

Қатағон — бу 20-асрнинг ўлатидир. Унинг оқибатида чорак аср мобайнида собиқ Иттифоқда миллионлаб бегуноҳ кишилар отилдилар, қамалдилар ва узоқ ўлкаларга бадарға қилиндилар.

АҚШнинг собиқ президенти Рузвельтнинг беваси Рузвельт хонимнинг айтишига қараганда, собиқ Шўро империясида қатағон йиллари иккинчи жаҳон уруши даврида ҳалок бўлганлардан ҳам кўп бегуноҳ кишилар йўқ қилиб юборилган.

Ҳа, азизлар! Қатағон инсониятга офат келтирди, қирғин келтирди. Ўтган йил июнь ойининг охирида уюшмамизга «Правда Востока» рўзномасидан қўнғироқ қилишди. Сизларга Украинанинг Херсон вилоятидан хат бор дейишди. Борсам, Херсон вилоятидан юборилган қандайдир рўйхатни қўлимга тутқазишди, У биз учун ниҳоятда қимматбаҳо манба ҳисобланиб, Херсон вилоятининг ўлкашунослик музейида сақланаётган ҳужжатдан кўчирма экан. Унда 1930—31 йилларда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятларидан Херсон вилоятининг Каховка туманига оилалари ва болалари билан муддатли ишга, асосан ўша ерда пахта етиштиришга мажбурий кўчирилган деҳқонларнинг тақдирлари битилган эди. Улар ўша Каховка тумани қишлоқларида яшаб, ўттизинчи йиллар арафасида москвалик буйруқбозларнинг «Пахта мустақиллигини таъминлаш», деб номланган бемаъни режасини амалга ошириш учун, урушга қадар ўша туманнинг № 1 ва № 2 пахтачилик совхозларида пахта етиштирганлар. 1937—38 йилларда қатағон авжига чиққан даврда, яъни «халқ душманларини» «овлаш» даврида, республикамиздан кўчирилган деҳқонларнинг ҳам бир қисмини: эскича ўқиганларни, динга эътиқод қилганларни, фарзандларини суннат қилдирганларни ислом динининг тарғиботчилари деб, кечалари босиб олиб кетганлар. Уларнинг бир қисми Херсон вилоятининг НКВДсида отиб ташланган. Қолганларини эса, узоқ Коми АССРнинг оғир шароитли меҳнат қамоқхоналарига жўнатганлар. У ердан қарийб ҳеч ким қайтиб келмаган.

Мана ошкоралик даври бошланганига ҳам етти йилдан ошди. Шу давр ичида юз минглаб бегуноҳ отилганлар, қамоқхоналарда, азоб-уқубатларда вафот этганлар, узоқ ўлкаларга бадарға қилинганлар оқландилар. Уларнинг ноҳақ топталган инсоний ҳақ-ҳуқуқлари, қадриятлари тикланмоқда. Бу ишда Республика қонунсиз қатағон қурбонлари уюшмаси раҳбарияти фидоийлик кўрсатмоқда.

Қатағон қурбонларини қидириб топиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш уюшмамизнинг асосий вазифасидир.

Уюшмамиз президенти Н. К. Матвеева Херсон вилоятининг Скадовск, Каховка ва Голая Пристань районларига бориб, вилоят ҳамда туман раҳбарлари билан учрашиб, 30-йилларда Украинага, пахта етиштиришга кўчирилган юртдошларимиз тақдири, уларнинг оиласи ва фарзандларининг тақдири тўғрисида маълумотлар тўплади. Шу билан биргаликда қардош Украина халқининг жабрдийда қатағон қурбонлари ва унинг уюшмаси билан республикамиз қатағони қурбонлари уюшмасининг ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиб келди.

Қуйида Украина республикаси Херсон вилояти ўлка музейида сақланаётган ҳужжатлар асосида тузилган Фарғона водийси вилоятларининг туман ва қишлоқларидан қатағон қилинган юртдошларимизнинг рўйхатини ҳавола қиламиз.

Собиржон МУМИНОВ.

АБДУЛЛАЕВ Отақосим — Ўзбекистон ССРнинг Бувайда тумани, Қорақум қишлоғида 1902 йилда туғилган, ўзбек, № 1-Каховка пахтачилик совхозида ишчи бўлиб ишлаган ва шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 16.05.1989 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Ҳусанбой — Фарғона вилоятининг Бағдод тумани Қариқишлоқ қишлоғида 1887 йилда туғилган. Ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишчи бўлиб ишлаган ва шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 16.05.1989 йилда оқланган.

АБДУРАҲМОНОВ Ҳакимжон — Ўзбекистон ССР, Сталин туманининг Бахринчавкан қишлоғида 1896 йилда туғилган. Ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозининг пахтакори, шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 1989 йил 16 майда (вафотидан сўнг) оқланган.

АБЗАЛОВ Абдулкарим — Қўқон туманининг Сулаймон қишлоғида 1890 йилда туғилган. Ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозининг пахтакори, шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 16.05.1989 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

ОДИНАЕВ Ахмадали — Ленин туманининг Бекобод қишлоғида 1872 йилда туғилган, № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. Шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.1989 йилда оқланган.

АЛИСАИДОВ Маҳмуджон — Ленин туманининг Зарбадах қишлоғида 1898 йилда туғилган, ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.1989 йилда оқланган.

ОТАБОЕВ Ҳакимжон — Ана-калак қишлоғида 1878 йилда туғилган. Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, шу совхозда яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.1989 йилда оқланган (вафотидан сўнг).

ИБРОҲИМОВ Сонижон — Ленин туманининг Пуштин қишлоғида 1910 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, ўзбек. 1938 йилда қатағон қилинган. 20.06.1989 йилда оқланган.

ИСМАТУЛЛАЕВ Бурхант — Норин туманининг Чаланши пекат қишлоғида 1867 йилда туғилган. Ўзбек. 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 29.05.1989 йилда оқланган.

ҚОРАБОЕВ Ҳасанбой — Боғдод туманининг Қораўнтин қишлоғи (қишлоқ хўжа) 1891 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 29.04.1989 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

МАМАДАЛИЕВ Игей-Али — Ўзбекистон ССР, Канзар қишлоғида 1909 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган

МАДАМИНОВ Мўйдин — Ленин туманининг Бултан қишлоғида 1884 йилда туғилган, ўзбек. № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

МАМАЖОНОВ Иброҳим — Ўзбекистон ССР Талилика (Толитепа бўлса керак.) қишлоғида 1910 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

МАМБОЕВ Мирзабой — Каганович тумани Шўр-қишлоқ қишлоғида 1900 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 10.05.89 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

МАВЛОНОВ Рустамбек — Молотов туманининг Чўлпони қишлоғида 1902 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг сотувчиси, 1937 йилда қатағон қилинган. 12.05.89 йилда оқланган.

МИРҚОСИМОВ Хожимунаввар — Ўзбекистон ССР, Найман қишлоғида 1892 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 29.05.89 йилда оқланган.

РАҲМОНҚУЛОВ Абдураҳмон — Норин туманининг Боғоқ-ли(?) қишлоғида 1878 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси. 1938 йилда қатағон қилинган. 26.05.89 йилда оқланган.

РАҲМАТОВ Йўлдош — Ленин туманининг Оқ-дарё қишлоғида 1908 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 10.05.89 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

СОБИРОВ Раимжон — Шаҳрихон шаҳрида 1878 йилда туғилган, № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

СОДИҚОВ Ғиёс — Боғдод туманининг Бахт қишлоғида 1886 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1930 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

САЛИМБОЕВ Абдулғани — Ўзбекистон ССР, Учқўрғон қишлоғида 1883 йилда туғилган, ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган, 29.05.89 йилда оқланган.

САЛИМБОЕВ Бобохожи — Ўзбекистон ССР, Норин туманининг Учқўрғон қишлоғида 1867 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

САЛИМБОЕВ Насриддин — Ўзбекистон ССР, Норин туманининг Қарғалти қишлоғида 1892 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, Каховка шаҳрида яшаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 10.05.89 йилда оқланган.

САРИҚОВ Қўчқор — Ленин туманининг Бултан қишлоғида 1889 йилда туғилган, ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

СОТИМХЎЖАЕВ Ғозибек — Ўзбекистон ССР, Асака туманининг Олапакат қишлоғида 1878 йилда туғилган. № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 16.05.89 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

СУЛАЙМОНОВ Мавлон — Ўзбекистон ССР, Жунтепа қишлоғида 1895 йилда туғилган, ўзбек, № 2-Каховка совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

УЗОҚОВ Аҳмад — Ўзбекистон ССР, Дўлан қишлоғида 1893 йилда туғилган, № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган. 1938 йилда қатағон қилинган. 11.04.89 йилда оқланган.

ХОЛМАТОВ Уринбой — Ўзбекистон ССР, Асака қишлоғида 1892 йилда туғилган, ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозида ишлаган ва яшаган. 1937 йилда қатағон қилинган. 30.05.89 йилда оқланган.

ҲАСАНОВ Ботирхожи — Ўзбекистон ССР, Ражигарди (?) хуторида 1904 йилда туғилган, ўзбек, № 2-Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1937 йилда қатағон қилинган. 29.05.89 йилда оқланган.

ҲАСАНОВ Хўжамқул — Ўзбекистон ССР, Ленин тумани Қурама қишлоғида 1907 йилда туғилган, ўзбек, №2 -Каховка пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 17.06.89 йилда оқланган.

ҲАСАНОВ Бойсихўжа — Ўзбекистон ССР, Кондибон(?) туманининг, Питар қишлоғида 1897 йилда туғилган, ўзбек, Каховка туманининг № 2-пахтачилик совхози ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 1989 йилда оқланган.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Раҳмонберди — Ўзбекистон ССР, Фарғона вилоятининг Чуранди қишлоғида 1889 йилда туғилган. Ўзбек. № 2-пахтачилик совхозининг ишчиси, 1938 йилда қатағон қилинган. 16.05.89 йилда (вафотидан сўнг) оқланган.

Ушбу рўйхатда эълон қилинган тақдирдошларнинг фарзандлари, набиралари, қариндош-уруғлари ҳаёт бўлсалар, ушбу манзилгоҳга хат ёзишсин: 702132. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Бобур кўчаси, 14 «а» уй 39-хонадон.

Мўминов Собирга.

Маданият янгиликлари

РАССОМНИ «ЛАЛИТ КАЛЛА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкентлик ёш рассом А. Нуриддинов ўз асарларини нуфузли халқаро кўргазмада намойиш этишга таклифнома олди. Кўргазмани бу йил Ҳиндистоннинг «Лалит калла» тасвирий санъат академияси ташкил этади.

Ҳиндистонлик санъат мухлислари Нуриддинов чизган суратлар билан илгари танишганлар. У яқинда Ҳиндистонга бориб, у ердаги хусусий суратлар галереясида ўз асарларини намойиш қилди. Бу асарларга юқори баҳо берилди.

Нуриддинов Ўзбекистондаги «23 лар гуруҳи» деб аталган ёш рассомлар бирлашмасининг аъзосидир. Унинг асарларида халқ анъаналари замонавий услубият билан моҳирона қўшилган.

МУЗЕЙ ТАРИХИ ЭКСПОНАТЛАРДА

Бухорода очилган кўргазма Бухоро Давлат меъморлик — бадиий музей — қўриқхонасининг тарихига доир жуда кўп янги қизиқарли воқеаларни билиб олишга ёрдам беради. Кўргазма музейнинг 70 йиллигига бағишланган бўлиб ушбу йирик маданият ва илм-фан марказининг ташкил этилиши, мустаҳкамланиши ҳақида ҳикоя қилади.

Экспозицияга ўлканинг бой маданий меросини сақлаб қолиш ва оммалаштириш юзасидан мутахассислар олиб бораётган катта иш ҳақида яққол тасаввур берадиган жуда кўп материаллар қўйилган. Булар музей заҳирасидаги ҳужжатлар, фотосуратлар ва экспонатлар.

Алоҳида бўлим қайтариб келтирилган буюмларга бағишланган. Ноёб қуроллар, сопол бўюмлар, кийимлар ва бошқа буюмлар юқоридан берилган фармойишга биноан турли йилларда музейдан олиб кетилган эди. Музей ходимларининг ҳаракати билан улар қайтариб олинди ва яна намойиш этилмоқда. Кўргазма мутахассисларнинг қадимий меъморий ёдгорликларни сақлаб қолишга доир ишлари — таъмирлаш, археология қазилмалари ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКНИНГ ҲАҚИҚИЙ МУШТИ

ЗАМОНЛАР ўтиб, давронлар ўтиб, ҳам кулиб, ҳам кулдириб, қаланғи-қасанғилар қаншарига гоҳ мушт туширириб, гоҳида ўзи ҳам мушт еб, қурбонлар бериб «Муштум» ҳам етмишга кирди. Нашр сифатида бу ёшга етганлар бор, етмаганлар бор. Етмиш йил давомида бирорта газета-журнал йўқки, ўз номини, ўз йўлини, ўз иш қуролини ўзгартирмаган бўлсин. Бироқ «Муштум» ўзбекнинг ҳақиқий мушти бўлиб қолаверди. Номини ҳам, асосий қуроли ҳисобланмиш — кулгисини ҳам ўзгартирмади.

Етмиш йиллик таваллуди арафасида «Муштум» бобо ўзининг «олтин сандиғи»ни жаранглатиб очиб, бисот титди. Сандиқдан Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Комил Алиев, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Чархийларнинг ва ҳозирда ҳажв соҳасида баракали ижод қилаётган Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Анвар Обиджонларнинг антиқа, характерли ҳикоялари, Эркин Воҳидовнинг «Дониш қишлоқ латифалари», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» саҳна асари, Зоҳиджон Обидовнинг машҳур «Арслоннинг ўлими» масали, Аббос Муҳиддиннинг ўткир фельетони, Мухтор Худойқулнинг Криловникига ўхшамаган масали, эл орасида машҳур қизиқчиларнинг ҳангомалари ва яна кўп ялтироқ матолар чиқди.

«Муштум» билан «Ёзувчи» нашриёти келишиб, шу бисотдан энг сара ҳикоя, фельетон, ҳажвий шеър, лоф, латифа, бир қайнови ичида гаплар ва масхара расмлардан алоҳида бир тўплам қилиб, «Тўйбобонинг сандиғи» деб ном беришди. Ҳажми 15 босма тобоқ, ялтироқ тўн кийган, безакли ушбу китобнинг ҳар бир донаси 30 сўм атрофида баҳоланмоқда.

Ишончимиз комилки, бу китобдан юз минглаб муштарийларимиз бебаҳра қолмагайлар. Буюртмаларни қуйидаги манзилларга жўнатишингиз мумкин:

1. «Ёзувчи» нашриёти, Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

2. Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси. Тошкент — 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

3. Тошкент улгуржи-савдо ишлаб чиқариш корхонасининг китоб савдоси бўлими. Тошкент — 700069. Саъднев кўчаси, 88-уй.

4. «Муштум» журнали. Тошкент — 700083. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

«Нашриёт» ва «Муштум»га буюртма бермоқчи бўлсангиз, алоқа бўлимига бориб 30 сўмни бизнинг манзилга йўллаб, конвертга солиб, унга «Тўйбобонинг сандиғи» китоби учун деб ёзиб, исм-шарифингизнию, маконингизнинг унвонларини кўрсатсангиз бас. Китоб чиқса, бенасиб қолмагайсиз. Ҳа, энди Муштумбобонинг тўйи бўлгандан кейин... у ёғи бор барака.

«КАМАЛАК»НИНГ ЎН ЖИЛОСИ

БОЗОР иқтисодиёти муносабати билан бошқа соҳаларда бўлгани каби нашриётларимиз ишида ҳам оғир қийинчиликлар юзага чиқди. Қоғоз танқислиги, босмахона ҳаражатлари, китоб сотиш муаммолари уларни тобора танг аҳволга солиб қўймоқда. Лекин адабиёт миллатнинг бебаҳо бойлиги эканини юракдан ҳис этган ноширларимиз ҳар қандай шароитда ҳам ёш ижодкорларни ёлғизлатиб қўйишмаётир. Буни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси ижодий жамоаси фаолиятида аниқ кузатиш мумкин. Яқинда улар «Ўзбекистон ёш шоирлари» туркумида жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган ўн нафар навқирон ижодкорнинг шеърий тўпламини чоп этишди. Шеър ихлосмандлари иқтидорли ёш шоирлардан Абдул Жалилнинг «Ғам чўғининг ялпоғи», Абдумажид Азимнинг «Қуёш боласи», Шукур Содиқнинг «Баҳор, инқилоб қил», Нурилла Остоновнинг «Юрагимнинг безовта гули», Чоршаъм Рўзиевнинг «Иккинчи нафас», Ғулом Фатҳиддиннинг «Истак», Салима Қиличеванинг «Юрак қушлари», Жамол Сирожиддиннинг «Сиёб оқшомлари», Нормурод Норқулнинг «Кўклам қувончи», Муҳаммаджон Шароповнинг «Ишқли умрим» каби тўпламлари билан танишадилар.

— Биз бу ишимиз билан камалак фақат етти хил рангда товланмаслигини кўрсатдик. Ҳар бир тўплам ўз ранги, ўз нуқтаи-назари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади, — дейди Нашриёт бош муҳаррири Нормурод Нарзуллаев.

Биз шу анъанани 1993 йилда ҳам давом эттирамиз. «Сеҳрли лаҳзалар» туркумида ўндан ортиқ ёш муаллифларнинг шеърий тўпламларини чоп этиш ниятимиз бор. Ҳаётдан бевақт кетган истеъдодли шоир Чори Аазнинг «Уйғонишдан ўзга толе излама», шунингдек, Рустам Назарнинг «Мўъжиза» ва бошқа тўпламлар шулар жумласидандир.

Назира ЮСУФЖОНОВА,
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси муҳаррири.

БУ ЙИЛНИНГ МОДАСИ

Калта кўйлак бекор қилинади

Мунажжимларнинг таъкидлашича, ҳаётимиздаги барча катта-кичик воқеа-ходисалар юлдузларнинг ҳукми остида кечар экан. Шунинг учун ҳам одамлар азал-азалдан юлдузларнинг жойлашишига қараб фол кўришган, келажакни айтиб беришган. Айтишларича, юлдузларнинг ўзи Оврупони мода маркази бўлишида «бошқошлик» қилишган экан. Шунинг учун ҳам ер юзидаги барча миллат ва элатлар Оврупоча кийимларга «ошиқ». Бекорга моданинг ватани оврупо дейилмайди. Ким билсин, балки шу сабаб улар сочини бўяса, бир-икки йилдан сўнг бизнинг ҳам сочимиз қизил, кўк бўлиб «ўсади». Оврупо хонимлари баланд пошнали пойафзал кийса, бизнинг ҳам кийгимиз келади. Уларда калта кийиш расм бўлса... айрим «шарқ гўзаллари» ҳеч иккиланмай тиззаларидан бир қарич юқори кўйлак кийиб олишади. Улар машҳур модашунос Пьер Карденнинг гўзалларини ҳам йўлда қолдиришни ният қилишганми, билмадик...

Ҳурматли модасевар хонимлар! Оврупо модашуносларининг таъкидлашича бу йил тиззангизни беркитиб юришга мажбурсиз. Чунки уларнинг айтишича, Янги йилнинг модаси шунақа бўларкан. Бу баҳорни энди узун, хушбичим кўйлак билан қаршилайсиз (узунлиги 62-85 см бўлиши шарт).

Модашунослар яна бир вазифани ўз мухлисларига юклашди: қоматингизга ёпишиб турадиган костюмингизни лайкарь матосидан тиксангиз, янада яхши бўлар эмиш (агар топсангиз). Узун юбкалар билан нимча кийиш ҳам бу йил расм бўлиши кўзланмоқда. Оқ блузка ва қора чармдан тикилган калта нимчангиз билан годе, плисе бичимидаги юбкангизни (агар бор бўлса) кийишингиз мумкин. Белбоғ учун ҳам алоҳида «қарор» чиққан: унинг кенглиги 5 смдан ошмаслиги шарт!

«Авангард» мода деган тушунча бор. Буни соддароқ изоҳласак, одамларнинг кўзи ўрганмаган кийим-бошни биринчи бор кийиб кўрсатувчи киши деган маънони билдиради. Ана ўша йўналиш мухлислари қўрқмасдан тижорат дўконларига кириб қўнжи тиззангизни қоплайдиган этик ва «тарихий» платформа туфли харид қилиб олишлари керак.

Модашуносларнинг яна бир маслаҳати шуки, танлаган пайпоқларингиз кўйлагингиз рангига мос тушсин. Расм бўлажак ранглар эса қуйидагилар: қора, кўк, тўқ қизил ва арча ранг. Алвидо оқ пайпоқ! Агар модадан қолмай десангиз, янги пальто устида ҳам бош қотириб қўйинг. Унинг узунлиги 125 см бўлиб, тренче, яъни шинелни эслатувчи бичимда бўлиши керак.

Эндиги навбат ҳурматли йигитларимизга! Янги йилда модашуносларнинг сизни ёдларидан чиқариб қўймаганлар. Олабула ранглар қоришмасидан иборат кўйлагингизни дадил кияверинг. Энг замонавий ранглар: кулранг, оқиш жигарранг, қум ранг, тўқ сариқ ва канопранг. Ана шу кўйлакларни бир хил рангдаги костюм билан кийсангиз, қараган ҳам қарайди, қарамаган ҳам!

Табиий чармдан тикилган камзуллар ҳам бу йилнинг энг зўр кийими ҳисобланади. Модашунослар ипак шимторгичнинг ранги бўйинбоғингиз ва кўйлагингиз рангига мос бўлиши кераклигини таъкидлаяптилар. Бўлмаса, на илож.

Хуллас, тенгдошлар, Оврупадан бизга ташриф буюриши мумкин бўлган мода йўналиши шулардан иборат. Қайдан ва неча пулдан уларни топаман деган саволга биздан кўра ўзингиз яхшироқ жавоб топасиз. Аммо, бу йилги мода ни билиб қўйганимиз чакки бўлмаса керак!

Хўш, бу борада бизнинг ўзбекистонлик модашунослар нима ишлар қилмоқчи? Ўзбекистоннинг ўз замонавий кийим-кечаги қандай, нималар расм бўладию, қай бир кийимимиз «эскиргани» хусусидаги мақолани газетамизнинг кейинги сонларидан бирида ўқийсиз.

Яшнар КАРИМОВА тайёрлади.

Газета саҳифаланаётганда:

ИККИ ЮЗ СУМЛИК БОШ

Кундан-кунга ҳамма нарсанинг қадри ошяпти. Хоҳ у буюм бўлсин, хоҳ таом. Замоннинг зайлини қарангки, бошнинг баҳосиям юқорилабди. Аниқроғи сочнинг қиммати.

Тунов кун «одамбашара» бўлгимиз келди. Сартарошхонага кирдик. Икки-учта мижоздан сўнг навбат келди.

— Ака, соч олиш баҳоси ошганлигини биласизми!

— Эшитганим йўқ-ку, лекин олаверинг, — дедим устага. — Узимча қирқ сўм бўлишини чамалаб.

Сочимни қиртишлади, икки марта ювди. Таради. Раҳмат айтиб ўримдан турдим.

— Хизмат ҳақини айтинг, оғайни. Сўрадим устадан.

— 200 сўм берсангиз бўлаверади деди у, ва шунча пулни олиб қолди.

Мен бошимнинг қадри ошганидан хурсанд ҳам бўлдим. Лекин буни пойтахтимизнинг Шароф Рашидов кўчаси 40-уйдаги сартарошхонада сочнинг олдиргаклар қандай қабул қилдийкин!

(Ўз мухбиримиз).

Келгуси сонда:

● КЛИНТОННИ ТАНИЙСИЗМИ?
● ВРАЧЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Бош муҳаррир ўринбосари: Аҳрор АҲМЕДОВ
Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, Ж.РАЗЗОҚОВ *(бош муҳаррир)*, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ *(масъул котиб)*, Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ *ва* "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.30 га белгиланган. Чоп этиш учун 20.20 да имзо чекилди... Буюртма Г—21 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.